O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 1 (3321) | 2000 йил 7 январь, жума | Сотувда эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИГА СОЛИҚ СОЛИШ ШКАЛАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Жисмоний шахслар даромадларига солиқ солишни такомиллаштириш, меҳнатни рағбатлантириш ва даромадларни легаллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:**

1. 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқнинг энг катта ставкаси 45 фоиздан 40 фоизга туширилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахслар даромадларидан солиқ иловага мувофиқ ставкалар бўйича ундирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 31 декабрь.

---

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига илова**

## ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ

| Солиқ солинадиган даромад миқдори | Солиқ суммаси |
|---|---|
| Энг оз иш ҳақининг уч карра миқдоригача | даромад суммасининг 15 фоизи |
| Энг оз иш ҳақининг уч карра миқдори (+1 сўм)дан беш карра миқдоригача | уч карра миқдордан солиқ + энг оз иш ҳақининг уч карра миқдоридан ошган суммадан 25 фоиз |
| Энг оз иш ҳақининг беш карра миқдори (+1 сўм)дан ўн карра миқдоригача | беш карра миқдордан солиқ + энг оз иш ҳақининг беш карра миқдоридан ошган суммадан 36 фоиз |
| Энг оз иш ҳақининг ўн карра миқдори (+1 сўм)дан ва ундан юқори | ўн карра миқдордан солиқ + энг оз иш ҳақининг ўн карра миқдоридан ошган суммадан 40 фоиз |

**9 январь, якшанба: КЕЛАЖАК ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА!**

# 2000 – СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ



*Бош муҳаррир минбари*

## ДЕМОКРАТИЯ, ЭРКИНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ – БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ

Тақдир тақозоси билан "Постда" газетаси Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларга икки кун қолганда муштарийларимиз қўлига бориб теккан эди. Буни қарангки, нашримизнинг ушбу сони ҳам 2000 йилнинг муҳим сиёсий воқеаси – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида чоп этилмоқда.

Ўзбекистонда мазкур муҳим сиёсий жараённи ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтказиш, фуқароларимиз ўз хоҳиш-истакларини эркин ва мустақил ифода этишини таъминлаш, давлатимиз раҳбарини демократик сайловлар ва муқобиллик асосида сайлаш бўйича ўз конституциявий бурчларини бажаришлари учун барча шароитлар яратилди.

Олий Мажлис томонидан республика Президенти сайлови ўтадиган кун белгилангандан сўнг мамлакатимизда 14та сайлов округи ва 7721та сайлов участкаси ташкил этилди. Овоз беришда қонуний иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган сайловчиларнинг рўйхати тузилди. Рўйхатга киритилган сайловчиларга сайловда иштирок этиш куни, вақти ва жойи кўрсатилган таклиф қоғозлари юборилди. Барча сайлов участкалари етарли даражада сайлов бюллетенлари билан таъминланди.

Ўтган давр мобайнида Марказий сайлов комиссияси сайловлар куни округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек уларнинг сайлов қонунчилиги бўйича билимларини ошириш мақсадида жойларда амалий семинарлар туркумини ташкил этди. Бир сўз билан айтганда, Марказий сайлов комиссияси Президент сайловини юксак даражада ўтказиш учун бор имкониятларни ишга солди.

Республикамизда жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилаётгани жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини тортмоқда. Шу боис, дунёнинг кўплаб мамлакатлари, нуфузли халқаро ташкилотлари муҳим сиёсий воқеа – ўтган йилнинг охирида ваколатли органларга бўлиб ўтган ва кутилаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларига катта қизиқиш билдирмоқда.

Мамлакатимиз Президенти сайловида хорижий давлатлар ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлардан кўплаб кузатувчилар иштирок этади. Улар орасида АҚШ, Япония, Германия, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Исроил ва бошқа мамлакатлардан вакиллар бўлиши кутилмоқда. Юртимизда фаолият кўрсатаётган элчихоналар, фирмалар, компаниялар ва банкларнинг вакиллари ҳам сайловларда кузатувчи сифатида қатнашиш истагини билдирдилар. Овоз бериш жараёнини юзга яқин чет эл оммавий ахборот воситаларининг журналистлари бевосита кузатишади.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинаётгани, мамлакатимизнинг бутун Марказий Осиё минтақасидаги барқарорликни таъминлашда катта аҳамият касб этувчи ривожланиш йўли тараққийпарвар инсониятнинг диққат-эътиборида эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Биз, Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи бўлажак Президент сайловига қандай муносабат билдирамиз? Жорий йилда ва учинчи мингйилликда ўз ҳаётимизни қандай тасаввур қиламиз?

Ушбу саволларга муносабатимизни 9 январь куни бўлиб ўтадиган давлат раҳбари сайловида фаол иштирок этиш билан билдирамиз. Бунда албатта, Президентимиз Ислом Каримов халқимизга йўллаган Янги йил табригида таъкидлаганидек, барча одамларимиз фаровонлиги ва турмуш даражаси яхшиланишига қаратилган янгиланиш ва ислоҳотлар йўлини танлаймиз. Ва бу борада барча яқин ва узоқ қўшниларимиз билан манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда мустақиллигимиз, мамлакат ва минтақадаги тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаб борамиз, соғлом авлодни камол топтирамиз.

Тинчликсевар халқимиз ушбу стратегик вазифаларга асосий омил деб қараб, мустақил Ўзбекистонни албатта Ер куррасидаги энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишига ишончимиз комил.

Айнан шу олижаноб мақсадни кўзлаб ўтган йил охирида иккинчи чақириқ парламенти, ҳукуматнинг маҳаллий ваколатли органларига депутатлар корпусини сайладик. Айнан шу олижаноб мақсадларга эришиш учун 2000 йил 9 январь – якшанба куни бўладиган Президент сайловида фаол иштирок этиб, муносиб номзодга овоз берамиз.

Биз мустақилликка эришгач, ўзимизнинг эркинлик, демократия ва тараққиёт йўлимизни белгилаб олдик. Кўп миллатли халқимиз янги мингйилликда ҳам бу йўлдан дадил ва оғишмай қадам ташлашига шак-шубҳа йўқ!

**2000 йил**

**9 ЯНВАРЬ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ**

**САЙЛОВГА МАРҲАМАТ!**

# МЕН ҲАҚИҚАТ ВА АДОЛАТ УЧУН ОВОЗ БЕРАМАН

Ўзбекистон мустақиллигимиз пойдевори, келажагимиз кафолати — ҳуқуқий давлат қуриш сари дадил одимлаяпти.

Энг муҳим вазифа инсоннинг камол топиши, қобилияти ва истеъдодини рўёбга чиқариши, амалиётда, иш майдонида ўзини тўла намоён этиши учун лозим бўлган шарт-шароит ва имкониятлар яратишдир.

Юртбошимиз раҳбарлигида бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, турли мулк шаклларини ривожлантириш сари аниқ ва равшан йўлдан бораётганимизни, шунингдек, оқилона ижтимоий-сиёсат туфайли миллатлар ўртасидаги аҳиллик, тинч-тотувлик барқарорлигини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Мустақиллик берган буюк неъмат олдида бош эгар эканман, Президент сайловида мен Ватан равнақи йўлида, халқ манфаати учун жон куйдириб хизмат қилаётган Ислом Каримовнинг номзоди учун овоз бераман.

**Баҳодир АҲМЕДОВ,**
**истеъфодаги милиция подполковниги.**

# ИШОНЧЛИ ОВОЗ — КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг Андижон вилоятидаги ишончли вакили, Олий Мажлис депутати, "Андижоннома" газетаси муҳаррири Назиржон Саидов билан Андижон вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни 2-Андижон сайлов комиссияси раиси Тўхтасин Мирзаев очиб, Назиржон Саидовга сўз берди. Н. Саидов барчани Ўзбекистон деб аталган буюк юртни дунёга тан олдирган инсонпарвар, ватанпарвар И. Каримов учун овоз беришга чақирди.

Шундан сўнг милиция сержанти Зиёйитдин Мўминов, милиция капитани Рида Ҳасанова, шоир ва драматург, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Холдор, "Қонун йўлида" газетаси муҳаррири Саида Аҳмаджонова, вилоят прокурори, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Умматали Шамсиев ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Йиғилиш сўнггида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига қарата қабул қилинган Мурожаатнома ўқиб эшиттирилди.

**Б. КЛЕЙМАН.**

# БИЗ СИЗ ТАРАФДАМИЗ

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мен оддий қишлоқ йигити бир санъаткор эришадиган жамики ҳурмат-эътиборга сазовор бўлдим. Буни юртимизда санъат, маданият ва маънавиятга берилаётган эътибор, санъаткор меҳнатининг қадрланиши деб биламан. Ахир санъаткор қачон шу даражада эътибор топган, эъзозланган. Сиз туфайли санъат мамлакатимизда сиёсат даражасига кўтарилди. Ҳаётдаги ўз ўрнини топди.

Ислом Абдуғаниевич, Сизнинг сиймоингизда мен миллий қадриятларимиз, санъатимизнинг жонкуяри, ғамхўрини кўраяпман. Республикамиз мустақиллигининг 8 йиллиги арафасида вилоятимиздан беш нафар санъаткор юксак унвонларга сазовор бўлди. Бир қатор сўз усталари-аскиячилар ҳам муносиб тақдирланди. Бу билан халқимизнинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келаётган, ҳеч бир миллатда учрамайдиган, ўлмас тарихга эга бўлган санъатимизга янгича руҳ, парвоз бағишладингиз.

Сизнинг ташаббусингиз билан "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Бу эса Ўзбекистонда театр санъатини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Театр ходимлари ижтимоий ҳимояланмоқда, театр кошоналари замонавий ашёлар билан таъминланмоқда. Энг муҳими репертуарларни шакллантиришда ижодий эркинликка эга бўлдик.

Бугунги кунда Фарғона театрини бутун жаҳон таниди. Бизнинг ижодий жамоамиз Польшада ўтказилган жаҳон театрлари фестивалида қатнашиб, катта муваффақият билан қайтди. Вилоятимиз қўғирчоқ театри эса Германиядаги Ўзбекистон кунларида қатнашиб, саҳна асарларини немис тилида намойиш этишди.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, бизга яратилган бундай имкониятлар учун Сиздан чексиз миннатдормиз.

Сиз олиб бораётган сиёсатни биз ижодкорлар — маданият ва санъат аҳли қизғин қўллаб-қувватлаймиз ҳамда 9 январь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Сизнинг номзодингиз учун фахр билан овоз берамиз.

**Муҳаммадсоли ЮСУПОВ,**
**Фарғона вилояти ўзбек мусиқали драма ва комедия театри бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти соҳиби.**

# ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

- "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарининг илк сони 1991 йил 1 январда Тошкентда чоп этилди.
- "Мўғилистон — Ўзбекистон" жамияти 1992 йил январь ойида Мўғилистонда тузилди.
- Кикбоксинг бўйича биринчи республика чемпионати 1992 йил январь ойида Тошкентда ўтказилди.
- Самарқандда қурилган янги темир йўл бекати 1993 йил январь ойида дастлабки йўловчиларни қабул қилди.
- Ўзбекистондаги фосфор ўғити ишлаб чиқаришга мослашган биринчи комбинат 1993 йил январь ойида Навоий вилоятида қурила бошланди.
- Мамлакатимизда яшаётган ногиронлар учун "Умид" тиббий-тикланиш маркази 1993 йил январь ойида Тошкентда очилди.
- Республикамизда хитой тилидаги дастлабки радиоэшиттиришлар 1993 йил 1 январдан бошлаб Тошкентда эфирга узатилди.
- Ўзбекистон аҳолиси Ҳиндистон теледастурини телевидение орқали илк бор 1994 йил 3 январь куни томоша қилди.
- 1994 йил январь ойида Бухоро шаҳрида татар-бошқирд маданият маркази очилди.
- Ўзбекистон Халқаро автомобиль транспорти уюшмасига Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб, 1994 йил январь ойида қабул қилинди.
- АҚШнинг "Осиё" жамияти раҳбарлари билан Ҳамза номидаги санъатшунослик институти олимларининг учрашуви 1994 йил январь ойида Тошкентда бўлиб ўтди.
- Нукус ғишт заводи ўзининг дастлабки маҳсулотини 1995 йил январь ойидан бера бошлади.
- "Аёл ва тадбиркорлик" мавзуидаги биринчи республика семинари 1995 йил январь ойида Тошкентда ўтказилди.
- Тиббиёт ходимларининг болалар юқумли касалликлари муаммоларига бағишланган халқаро семинари 1995 йил январь ойида Тошкентда бўлиб ўтди.

# БОЛА КУЛСА ОЛАМ ЧАРОҒОН

Янги йилнинг илк кунларида ЖАР спорт соғломлаштириш мажмуида республика Ички ишлар вазирлиги ходимларининг фарзандлари учун вазирлик раҳбарияти томонидан Янги йил арчаси ташкил этилди.

Эл тинчлиги ва хотиржамлигини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш учун гоҳида тунларни бедор ўтказадиган, баъзида хизмат зарурати юзасидан мана шу жажжи фарзандларини уйда қолдириб, ойлаб сафарларда юрадиган милиция ходимларининг машаққатли меҳнатини уларнинг болажонлари ҳам яхши тушунадилар. Чунки, уларнинг севимли дадажониси янги йил оқшомини ҳам хизматда кутиб олишди, ахир. Шу боис, болажонлар янги йил арчаси тантаналарига ота-оналари билан биргаликда ташриф буюришгани учун ҳам жуда хушнуд бўлишди. Қолаверса, гўзал ва жозибадор қилиб безатилган арча атрофида Қорбобо ва Қорқиз билан биргаликда ўйинга тушиб шеъру қўшиқлар айтишгани уларнинг севинчига севинч, завқига завқ улашди. Ўз фарзандлари хушкайфиятидан қалблари севинчга тўлган ота-оналар ҳам росмана дам олишди, яйрашди. Ахир бола кулса нафақат ота-онанинг қалби, балки бутун олам чароғон бўлади.

Шукроналар бўлсинки, муборак рамазон ойида ўзига хос файзу тароват билан бошланган Янги йил то поёнига қадар барчамизга шодлик улашсин. Соғлом авлод вакиллари — мана шу болажонлар кулгуси доимо жаранглаб турсин.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,**
**ИИВ матбуот маркази ходими.**

*Мамлакатимизда Президент ташаббуси билан меҳр-мурувват ўн кунлиги ўтмоқда*

# САХОВАТ

**Мусулмон оламида рамазон ойи охирлаб боряпти. Бу ой инсонларнинг жисмонан ва маънавий покланиши, бир-бирларига меҳр-мурувват кўрсатадиган мавсумдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан мамлакатимизда 1 январдан 10 январгача меҳр-мурувват ўн кунлиги эълон қилинди. Бу саховат кунларини ўтказишда ички ишлар идоралари ҳам фаол иштирок этишяпти.**

Сирдарё вилояти ИИБ ЖҚБ катта нозири Алишер Алимов хизмат пайтида фожиали ҳалок бўлган. Вилоят ИИБ шахсий таркиби вакиллари янги йилнинг дастлабки кунларида марҳумнинг оиласида бўлиб, болажонларига байрам совғалари топширишди. Шунингдек, оиласига ёғ, гуруч олиб бориб бердилар. Боёвут тумани ИИБ раҳбарияти эса туманда кўп йиллар участка вакили бўлиб ишлаган марҳум милиция капитани Рустам Маҳмудовнинг оиласидан хабар олгани боришди. Фарзандларига янги йил совғалари, рўзғорига керакли масаллиқлар келтиришди. Шунингдек, вилоят ИИБ раҳбарияти вакиллари кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилган, айни кунларда нафақада бўлган ногиронлар, хизмат даврида ҳалок бўлган милиция ходимларининг оилаларига бориб совға-саломлар топширдилар.

**Д. МУРОДОВ.**

**Маърифат дарси**

# ҚИЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТ

Ички ишлар идораларида ходимларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш уларнинг маънавиятини юксалтиришнинг асосий манбаидир. Айниқса, маърифат дарслари бу борада муҳим ўрин тутяпти. Машғулотларда республикамиздаги таниқли олимлар, адабиёт ва санъат намояндалари ва бошқаларнинг иштирок этиши дарсларнинг мукаммал ва қизиқарли, таассуротларга бой бўлишини таъминлаяпти.

Сирдарё вилояти ИИБ мажлислар залида ўтган навбатдаги маърифат дарсини Ўзбекистон телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков олиб борди. Дастлаб 2000 йилни Президентимиз томонидан Соғлом авлод йили деб эълон қилинишининг аҳамияти тўғрисида гапирди. 9 январь куни ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳақидаги фикрлар дарснинг давоми бўлди. Шунингдек, сиёсий шарҳловчи халқаро аҳволга ҳам кенг тўхталди. Россиядаги рўй бераётган воқеалар, Чеченистон можаролари, Президентнинг истеъфога чиқиши ҳақидаги суҳбатни тингловчилар қизғин кутиб олишди. Марказий Осиё минтақасидаги аҳвол тўғрисида ҳам К. Каримбеков батафсил гапирди.

**Ў. БОЛТАБОЕВ,**
**милиция подполковниги.**

# ОҚ ЙЎЛ, ПИЁДА!

Пойтахт милицияси томонидан Янги йилнинг дастлабки кунларидан кенг миқёсдаги "Диққат, пиёда!" тадбири ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад йўл-транспорт фалокатларининг олдини олишга қаратилган ишларни янада яхшилашдир. Тадбирда Тошкент шаҳар ИИББ тизимидаги кўплаб хизматлар ва бўлинмалар иштирок этмоқда.

Шуниси қувончлики, Соғлом авлод йилида пойтахт кўчаларида юзага келаётган болалар жароҳатланиши билан боғлиқ муаммолар милиция ходимларининг диққат марказида. Статистика маълумотларга қараганда, болалар жароҳат олаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳар тўрттадан биттаси Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда. Биз, катталар бу ҳақда мулоҳаза юритиб кўришимиз муҳимдир.

Тадбир давомида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган кишиларнинг масъулиятини ошириш, пойтахтдаги 445та маҳаллада профилактик ишларни жонлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти.

Куни кеча Сирғали туманидаги 32та маҳалла вакиллари, халқ таълими ва мактабгача тарбия муассасалари, туман ИИБ ва йўл-патруль хизмати ходимлари йўловчилар, хусусан аксарият ҳолларда болалар жабрланаётган йўл-транспорт фалокатларининг олдини олишга қаратилган дастур ишлаб чиқиш учун тўпланишди. Ушбу тадбир иштирокчилари бу вазифага ҳамкорлик йўлга қўйилгандагина эришиш мумкинлигини таъкидлаб ўтдилар.

**З.ҚАЮМОВА,**
**милиция капитани.**

# СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИ – БАРЧАНИНГ ИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Конституциямиз қабул қилинган куннинг 7 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда 2000 йилни "Соғлом авлод йили" деб эълон қилди.

Шу сабаб, ички ишлар идораларининг ҳам асосий эътибори, бу борада лозим ишларни амалга оширишга қаратилади.

Жиноятчилик жамиятнинг касаллигидир. Агар унинг ўз вақтида олди олинмайдиган бўлса, урчиб кетиши, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, авваламбор ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш лозим. Чунки бугунги болалар эртанинг эгаларидир. Шу сабабли ҳам ички ишлар идоралари ходимлари мазкур иллатнинг олдини олиш, пайини қирқиш борасида тинимсиз ҳаракат қилишлари лозим бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясида сўзлаган "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" номли маърузаси ички ишлар идоралари фаолиятида ҳам катта ўзгаришлар қилинишига сабаб бўлди. Айниқса, Тошкент шаҳри ички ишлар идораларида бу борада амалга оширилаётган ишлар яққол кўзга ташлана бошлади.

Маълумки, Тошкент шаҳри ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ислоҳотларда вояга етмаганлар билан ишлаш борасидаги йўналишда ҳам бир қатор ўзгаришлар кўзда тутилганди. Бунинг натижасида шаҳар ички ишлар идоралари тизимидаги вояга етмаганлар билан ишлаш назорати тугатилиб, уларнинг вазифалари профилактика инспекторлари зиммасига юклатилганди. Шунингдек, вояга етмаганларни қабул қилиш ва тақсимлаш муассасалари тугатилиб, уларнинг вазифаси шаҳарнинг айрим меҳр-мурувват уйлари бажариши лозим эди.




Шу йилнинг ўтган даврида ички ишлар ходимлари томонидан 1000 нафардан ортиқ тарбияси оғир болалар, 700 нафардан ортиқ ўз фарзандлари тарбияси билан шуғулланмайдиган, уларга салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар аниқланди ва улар билан суҳбатлар ўтказилиб доимий назорат остига олинди.

Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий билимлари ва саводхонликларини ошириш мақсадида "Камолот" жамғармаси билан ҳамкорликда ўқув юртларида "Сиз қонунни биласизми?" мавзусида кўрик-танлов ўтказилди. Мунтазам равишда радио, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштириляпти.

Яқинда ички ишлар Бош бошқармаси раҳбарияти шаҳардаги барча туманлар халқ таълими бўлимлари мудирлари, ўрта мактаблар директорлари билан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш мавзусида семинар-кенгаш ўтказди.

Бироқ амалга оширилаётган ишларга қарамай, вояга етмаганлар билан ишлаш, улар орасидаги ҳуқуқбузарликлар, жиноятларнинг олдини олиш борасида бир қатор ҳал этилиши зарур муаммолар мавжуд.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликни олдини олиш борасидаги айрим вазифаларнинг халқ таълими тизимига юклатилиши назарда тутилган эди. Афсуски, бу борада икки тизим ўртасида лозим даражада ҳамкорликнинг йўлга қўйилмаганлиги, ахборот алмашинувида муаммоларнинг мавжудлиги иш самарадорлигининг сезиларли даражада сусайишига олиб келмоқда.

Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, Тошкент шаҳрида дайдилик, тиланчилик учун ушланган вояга етмаганларни сақлаб туриш вазифаси юклатилган меҳр-мурувват уйлари бу вазифага ҳали кўникиб улгуришмади, янги иш йўналишида изланишлар олиб борилмаяпти. 1998 йилнинг 11 ойи давомида 1000 нафардан ортиқ, ўтган йилнинг 5 ойида эса 658 нафар ҳуқуқбузар ўсмирлар вояга етмаганларни қабул қилиш, тақсимлаш муассасаларига жойлаштирилган эди. Мазкур вазифа меҳр-мурувват уйлари зиммасига юклатилган кейинги олти ой мобайнида эса уларнинг сони бор-йўғи 21 нафарни ташкил қилди. Бугунги кунда эса Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган текширув якунлари бўйича ушбу меҳр-мурувват уйларига ҳуқуқбузарликка мойил вояга етмаганларни олиб келиш вақтинчалик тўхтатилган.



Таҳлиллар Тошкент шаҳрида вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар сонининг сезиларли ўсганини кўрсатмоқда. Ўтган йилда Тошкент шаҳрида 700 нафардан ортиқ бола жиноятга қўл урган бўлса, яна шунча вояга етмаганлар йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида турли даражада жароҳат олди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, болаларнинг қаровсиз қолдирилиши, уларни ўт билан ўйнашиши оқибатида кўплаб ёнғинлар содир бўлмоқда. Ўтган йилда улар томонидан 300 дан ортиқ ёнғин содир этилиб, улар оқибатида 15 нафар бола жароҳат олди, 5 нафари эса ҳаётдан кўз юмди.

Ёнғинлар жиддий моддий зарар ҳам етказмоқда. Масалан, ўтган йилда вояга етмаганлар томонидан ўғирланган буюмлар миқдори 1 млн. сўмга ҳам етмади, бироқ улар сабаб бўлган ёнғинлар натижасида нобуд бўлган моддий бойликларнинг умумий миқдори 10 млн. сўмдан ошиб кетади.

Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси профилактика ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси раҳбариятини ташвишга солаётган муаммолардан яна бири – ўсмирлар ўртасида тарқалаётган фоҳишалик иллатидир. Ўтган йилда 150 дан ортиқ шу иллат билан шуғулланган қизлар аниқланди. Улардан 136 нафарида таносил касалликлари аниқланиб, даволаниш учун шифохоналарга ётқизилди.

Кўриниб турганидек, вояга етмаганлар билан ишлаш, улар ўртасида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, уларни қонунларга ҳурмат руҳида, келажакнинг муносиб авлодлари сифатида тарбиялаш катта масъулиятни, узоқ ва сермашаққат меҳнатни талаб қилади.

Илғор чет мамлакатларнинг вояга етмаганлар билан ишлаш борасидаги тажрибаларини кенг ўрганган ва аҳолининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар ИИББ профилактика ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси "Мактаб милицияси" хизмати лойиҳасини ишлаб чиқди ва тажриба тариқасида ушбу тузилмаларни Тошкент шаҳрида жорий этишни таклиф қилмоқда.

Маълумки, илгарилари фаолият кўрсатган вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси ҳуқуқбузарлик содир этиб бўлган болаларнинг тарбияси билан шуғулланарди. Таклиф қилинаётган хизмат эса биринчи галда ҳали жиноят кўчасига кирмаган болаларга катта ҳаётда керак бўладиган хусусиятларни сингдириш, уларни тарбиялаш ва ўқитиш ишлари билан шуғулланади. Мазкур таклифни ҳаётга татбиқ этиш соғлом авлодни тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

**Ортиқ АЛИ.**

__Суратларда__: семинар-кенгашдан лавҳалар.

# ИККИНЧИ ЎҒИЛ

Ақраб ойи серёғин келди. Қишлоқ аҳли ҳали қишга тўлиқ тайёргарлик кўрган эмасди.

– Бу йил қиш эрта тушади-ёв, – деди Қилич ака умр йўлдошига кечки овқатдан кейин. – Ишқилиб ёғаётган ёмғир қорга айланмаса бўлгани. Иброҳимжон иккимиз қуёшли кунларга ишониб юрибмиз.

– Тўғри айтасиз, – дея унинг гапини тасдиқлади Ойбаланд ая.

Қилич ака билан Ойбаланд ая шу кеч алламаҳалгача у ёқ бу ёқдан гурунглашиб ўтиришди. Кун бўйи ўйнаб чарчаган Иброҳимжон эса қоронғу тушиши билан уйқуга кетганди. Ётар маҳал хонадон соҳиби рафиқасига разм солар экан, ой куни яқинлашганидан сергакланди. Тун ярим кечадан оғди. Ойбаланд ая дард чекарди. Қилич ака ўрнидан туриб чироқнинг пилигини кўтарди. Ташқарига чиқиб қўлига таёқ олдида, доя кампирникига югурди. Шу кеч хонадонда ўғил туғилди. Иброҳимжон укалик бўлди. Бу 1955 йилнинг 7 ноябри эди. Қилич ака тонгни Жовлижоннинг "инга"си билан қаршилади.

Жовли ёшлигидан зийрак бўлиб ўсди. У қишлодаги болалардан шу томони билан ажралиб турарди.

– Ўғлинг келажакда милиционер бўладими дейман, – деди кунларнинг бирида Қилич ака хотинига. – Тенгдошларини йиғиб, уларга қандайдир кўрсатмалар беради. Буюрган иши бажарилмагунча тинчимайди.

– Ким бўлганда ҳам сизу бизнинг боламиз. Шу юртга хизмат қилиб, ота-онасига раҳматни келтиришни истайман.

Оиладаги бундай суҳбатни эшитган Жовлининг кўнгли кўтарилиб, ўзида мағрурлик сезарди. Отасининг шу сўзлари сабаб бўлди-ю милиционерлик касбига ихлоси ортди. У ўн бир ёшга тўлганда отаси оламдан ўтди.

1974 йилда билаги кучга тўлган Жовли тенгқурлар қатори ҳарбий хизматга жўнади. Икки йиллик йигитлик бурчини ўташ даврида у ҳаётдан кўп нарсаларни ўрганди, спорт соҳасида анча чиниқди.

Ҳарбий хизматни муваффақиятли тугаллаб келганидан кейин Қарши шаҳридаги 4-автожамланмада ҳайдовчи бўлиб ишлай бошлади. Кунларнинг бирида уни бошлиғи ҳузурига чақириб:

– Жовлижон, яқинда вилоят ички ишлар бўлимига борганидим, у ерга сенга ўхшаган фидойи йигитлар керак экан. Номзодингни тавсия этиб келдим. Қарши эмасмисан? – деди.

Орзуси ушалишини ўйлаган Жовли кутилмаган бу таклифдан қувониб кетди. Бироз нима дейишини билмай турди-да, ўзини ўнглаб олиб, секин гап бошлади:

– Қани энди сиз айтгандек, ўзим севган касбда ишласам. Қолаверса – отамнинг ҳам нияти шундай эди. Мен розиман.

Бошлиқ ҳузуридан чиққан Жовли қишлоққа қараб югурди. Ички ишлар идорасида ишлаётган Иброҳим акасини янгиликдан бохабар қилди. Шунда у милицияда ишлаш ўта машаққатли эканлиги, сабр-бардош талаб этишини айтди.

Жовли акасининг сўзларига қулоқ тутар экан, бу касбни бир умр ардоқлашга ваъда берди. Кўп ўтмай вилоят ички ишлар бўлимида иш бошлади. Чироқчи, Кўкдала туманларида ДАН ходими бўлиб фаолият кўрсатди. Орадан беш йил ўтгач Нишон тумани ИИБ ДАН бўлинмасига ишга келди. Кейинчалик бўлинманинг тарғибот-ташвиқот назоратчиси, маъмурий амалиёт назоратчиси бўлиб ишлади. 1996 йил октябрь ойидан эса бўлинма бошлиғи вазифасида меҳнат қилиб келаётир.

Тақдир инсонни ўзининг турли сўқмоқлари орқали олға етаклайди. Жовли Қиличев ҳам орзулар қанотида ўз ниятига эришди. Орада Қарши Давлат муаллимлар тайёрлаш институти муҳандис-педагог куллиётида таҳсил олиб, олий маълумотли бўлди. Ўн тўққиз йилдан буён ҳамқишлоғи Майрам Диёрова билан бахтли турмуш кечириб, 6 нафар фарзандни вояга етказмоқда.

– Ўғлим Бердимурод ёш бўлсада, менинг касбимни эгаллаш ниятида, – дейди Жовли Қиличев. – Бир пайтлар отам айтган фазилатларни унда кўраяпман.

Умрни оқар дарёга қиёслашади. Милиция капитани Жовли Қиличев ҳозирда айни навқирон ёшда. Ҳар гал Чироқчи туманидаги ўзи туғилиб ўсган Чувиллоқ қишлоғига борганда қишлоқдошлари уни самимий кутиб олишади. Шундай фидойи посбонларимиз бор экан, мамлакатимизда милициянинг қадри янада юксак бўлишига ишончимиз комил.

**Норменгли АЛПОНОВ.**

**ДАН фаолиятидан**

# ҲАР ЖАБҲАДА ФАОЛ

XX асрда техника мислсиз тараққий этди. Бугунги кунда транспорт воситаларининг турли русумлари ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг машинасозлик саноатига эътибор ошди. Эндиликда йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, автоҳалокат олдини олиш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш борасидаги мураккабликлар давлат автомобиль назорати ходимларидан талабчанликни ошириш, кенг тарғибот-ташвиқот ишларини юритишни талаб қилмоқда. Қашқадарё вилояти ИИБ ДАН бошқармаси ходимлари буни яхши англайдилар.

Лекин ҳайдовчи ҳам ўз масъулиятини унутмаслиги лозим. Чунки у нафақат ўзига, балки йўловчилар тақдирига ҳам жавобгардир. Носоз техникани бошқариш ҳам баъзида мудҳиш жиноят содир бўлишига сабаб бўлади. Тезликни меъёридан ошириш, маст ҳолда машинани бошқариш, тақиқланган автоуловларда йўловчиларни ташиш каби ҳолларни мутлақо кечириб бўлмайди.

Баъзида ўзим хон, кўланкам майдон қабилида техникани маст ҳолатда бошқарувчи шахслар учраши ачинарлидир. Масалан, ўтган йилнинг 3 ноябрь куни Қарши шаҳрида яшовчи Отаниёз Эшинёзов автомашинасини маст ҳолатда бошқариб рўпарадаги симёғочга уриб олади. Натижада машина салонида бўлган йўловчилардан бирининг ўлимига сабабчи бўлади. Ёки фуқаро Актам Негматов ўз бошқарувидаги ВАЗ-2106 русумли Ж 7585 КФ автомашинани маст ҳолатда ҳайдаб келаётганда бошқарувни йўқотиши натижасида йўлнинг чап томонида турган 2 нафар йўловчини уриб юборади. Улардан бири вафот этиб, иккинчиси шифохонага ётқизилади. Бир зумлик кайф-сафо, айш-ишрат деб айрим ҳайдовчилар бир умр афсус чекиб ўтадилар. Чунки уларнинг нотўғри хатти-ҳаракати билан бир инсон ҳаётдан бевақт кўз юмди ёки бир умр ногирон бўлиб қолади. Техника тезлигини меъёридан ошириш ҳам ҳайдовчи бошига оғир кулфат солиши мумкин. Баъзида машинани қушдек учиришга мойил ёшлар ҳам учрайди. Масалан, Қарши шаҳридаги "Лайло–Зуҳро" дўкони рўпарасидаги йўлда Асрор Ниёзов бошқарувидаги "Нексия" русумли 18 АВ 008 давлат белгили автомашина тезлигини ҳаддан ошириши натижасида йўлдан чиқиб кетиб, машинани симёғочга уриб олади. Машинада бўлган 13 ёшли Беҳзод Эргашев вафот этади. Ҳайдовчи эса тан жароҳати олиб шифохонага ётқизилади. Кўза кунда эмас, кунида синади деган ажойиб нақлни унутмаган ҳайдовчи ҳеч қачон ютқазмайди.

Ходимларимизнинг саъй-ҳаракати билан қатор жиноятлар ҳам фош этилмоқда. Жумладан, Муборак шаҳрида яшовчи Норкул Қурбонов бошқарувидаги ЗИЛ-4316 русумли 18 С 6510 давлат белгили автомашинаси кузовига фуқаро Ҳабиб Раҳмонов номига қалбаки ҳужжат билан ноқонуний равишда расмийлаштирилган 2 тонна 46 кг, яъни нархи 1 миллион уч юз эллик уч минг сўмлик бўлган рангли металл симни ортиб келаётганда ДАН ходимлари Э. Сафаров, Ж. Ортиқов ва Б. Тўйчиевлар томонидан ушланади.

Бугунги кунда гиёҳвандликка қарши кураш бирламчи вазифалардандир. "Қорадори" тадбирида ДАН ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Вилоят ҳудудига четдан гиёҳвандлик моддалари кириб келишига қарши кураш ҳам бўшаштирилмаяпти. Ўтган йилнинг 24 ноябрь куни Деҳқонобод ДАН масканида туман ИИБ ДАНБ инспектори милиция сержанти Ш. Муродов "Целвия" лақабли хизмат ити ёрдамида Сурхондарё вилоятининг Денов туманида яшовчи А. Қурбоновга тегишли 19 В 9269 давлат белгили автомашинасини тўхтатиб текширганда, машинада бўлган йўловчи Асқарали Х.нинг ёнидан 430 г героин топилди. Ёки мазкур ДАН масканида вилоят ИИБ ДАНБ ходимлари томонидан У. Хайруллаев бошқарувидаги Д 23-24 СД давлат белгили автомашинасида бўлган йўловчи Ҳ. Санаев ёнидан 364 г героин моддаси олинди. 11 ой давомида ДАН ходимларининг бевосита иштирокида фуқаролардан 2 кг 323 г гиёҳвандлик моддалар олинди, фуқаролар ҳовлисига экқан 1900 туп кўкнор ўсимлиги йўқ қилинди.

Ўтган йилнинг 21 февраль куни Самарқанд шаҳрида яшовчи Ҳақберди Умаров гарчи савдо ходими бўлсада, ўзини "коррупция ходимиман" деб таништириб, товламачилик қилиб юрганида тутилди. 29 ноябрь куни тонг саҳарлаб Китоб шаҳри томонидан "Нексия" русумли 18 А 9885 давлат белгили автомашинанинг гоҳ тўхтаб, гоҳ ҳаракатланишидан шубҳаланган ДАН ходимлари Мингчинор ДАН масканида уни тўхтатишади. Милиция ходимлари машина юкхонасини кўздан кечирганда бир эркак ва икки аёлнинг жасадини топишади. Машина салони олд ўриндиғида эса матога ўралган боланинг жасади чиқади. Орқа ўриндиқда икки нафар бола қўрқувдан жимгина ўтирган бўлади. Дастлабки суриштирувлар олиб борилганда автомашина Яккабоғ туманида яшовчи Ўроз Ашуровга тегишли экани, машинани бошқарган Б. Б. ва С. П. исмли шахслар Ўроз Ашуровни, унинг турмуш ўртоғи Ойбаланд Каримовани, уларнинг уйида ижарада турган Дилафрўз Азимова ҳамда 11 ёшли ўғиллари Озод Ашуровларни ўлдириб, уларнинг жасадларини йўқотиш мақсадида йўлга чиққанлиги аниқланди. Тинтув чоғида уларнинг ёнидан марҳумларга тегишли бўлган 600 минг сўм пул, ҳар хил тилло тақинчоқлар далилий ашё сифатида олинди. Ў. Ашуровнинг 5 ва 4 ёшли ўғиллари Шаҳбоз ва Мираббослар соғ-саломат ҳолда жабрланувчиларнинг қариндошларига қайтарилди.

Мингчинор постида бўлган милиция ходимларининг ҳушёрлиги мудҳиш қотилликни ўз вақтида фош этилишини таъминлади Жиноятчилардан бири Ў. Ашуровдан фоиз ҳисобига пул олган бўлиб чиқди. Иккинчиси эса талаба экан.

ДАН ходимларининг иши мураккаб ва машаққатли. Аммо шунга қарамай улар ўз вазифаларига содиқ: ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш билан бирга жиноятчиликка қарши курашда, уни фош этишда ҳам қатъиятлик билан иш тутмоқдалар.

**Ҳ. ЖЎРАЕВ,**
**Қашқадарё вилояти ИИБ ДАНБ бошлиғи, милиция подполковниги.**

# "ГЎЗАЛ ТУРОН" ШОДЛИК УЛАШДИ



Янги йил юртимизга олам-олам қувонч, бахт-иқбол ила кириб келди. Тошкент вилояти ИИБда ушбу байрамга бағишланган кеча бўлиб ўтди. Йиғилганлар бир пиёла чой устида таниқли санъаткорларнинг куй ва қўшиқларидан баҳра олиб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришди.

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат Академик драма театрида эса ички ишлар ходимлари ҳамда хизмат вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандлари учун "Арча байрами" ташкил этилди. Болажонлар Қорбобо ва Қорқиз совғалари, шунингдек, "Гўзал Турон" гуруҳи аъзоларининг чиқишидан қувончга тўлдилар. Шу куни "Жодугар канизак" спектакли намойиш этилди.

**М. СУЛТОНОВА.**

# ҲАМИША ЭЛ ОРАСИДА

Баҳриддин одатдагидек эрта тонгданоқ маҳаллани айланди. Ичкиликка ишқибоз, жанжални хуш кўрадиган "таниқ"ли фуқаролар яшайдиган кўчалардан хабар олди. Хайтовур тинчлик. Кўнгли таскин топиб, участка вакили хонасига қараб юрди. Кўпинча уни эшик олдида бир-икки киши кутиб турарди. Кимнидир эри урган, яна бирини хотини уйдан ҳайдаган. Бу гал ҳеч ким йўқ. Демак, маҳаллада осойишталик.

Ичкарига кириб энди ечинаётганди телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарганди шаҳар ИИБ бошлиғи А. Саримсоқовнинг овози эшитилди:

– Баҳриддин, маҳаллада тинчликми, айланиб чиқдингизми?

– Ҳа, албатта, ҳозирча тинчлик.

– Мактаб ўқувчилари таътилда, назоратни янада кучайтириш керак, айниқса серқатнов кўчаларда ўйнамасин, участка вакилларига тайинланг, маҳалла посбонларини кўчаларга бўлиб қўйинг. Пост-патруль хизматини юборяпмиз, ўзингиз бош бўлиб, йигитларга кўрсатма бериб туринг.

Баҳриддин Гулмуродов бошлиқнинг топшириқларини эшитаркан, дафтарига нималарнидир қайд қилиб олди-да, бугунги режаларни кўздан кечириб, яна қўшимчалар ёзди.

Бирин-кетин кириб келган участка вакиллари ва маҳалла посбонларига кўрсатмалар берди-да, ўзи бозор айлангани кетди. Кичкина тор кўчада бешолти нафар ёш болалар коптоk тепарди. Нарироқда қизалоқлар ўйнамоқда. Милиционерни кўрган болалар ўйинни тўхтатиб, чуғурлашиб салом беришди-да йўлнинг бир четига ўтишди. Баҳриддин уларни олдига чақирди:

– Қани шоввозлар, бери келинглар-чи, каникулда зерикмаяпсизларми?

– Йўқ, футбол ўйнаяпмиз, – деди болаларнинг каттароғи.

– Катта йўлга чиқманглар, машиналар жуда тез юради, ҳайдовчи тўхтатишга улгурмай қолади. Ўтган йили шу маҳаллада бир болани машина уриб юборгани эсинглардами?

– Ҳа, ўртоғимиз эди.

– Кўрдингларми, агар у йўл қоидасига риоя этганда, ҳозир у ҳам сизлар билан футбол ўйнаётган бўларди, афсуски, у энди йўқ.

Орага жимлик чўкди.

– Пақ-пақ отмаяпсизларми? – сўради Баҳриддин жимликни бузиб.



– Йўқ, маҳалла посбони борку, сиз билан юрадиган Улуғбек ака, ўша йиғиб олган.

– У хавфли ўйинчоқлигини биласизлар-а, катта шаҳарларда болалар ундан жароҳат олганини телевизорда кўрсатяпти.

Беғубор қалбли болалар билан хайрлашар экан ўзининг Бахмалда кечган болалигини эслаб, хаёлидан хотиралар бирин-кетин ўта бошлади. У далада ўсган. Шаҳар болаларидек, кичкина майдончиларда эмас бепоён қирларда бағрида коптоk тепарди. Тенгқурлари билан мол боқиб, пода ҳайдаб болалиги ўтган. Гоҳ-гоҳида мактабга келиб турадиган милиционерга ҳавас қиларди. Телевизорда ўғри, қотилларни излаб кеча-кундуз тиним билмайдиган милиционерлар ҳақидаги фильмларга жон-дили билан қизиқарди. Шунинг учун ҳам ҳарбий хизматдан келгач, ҳеч иккиланмай ички ишлар хизматига кирди. 1991 йилдан у Жиззах шаҳар ИИБ участка вакили. Раҳбарият унга ишонч билдириб, катта участка вакили лавозимига тайинлади. Баҳриддин хизматдошлари орасида, вазифасига масъулиятли, бурчига садоқатлиликнинг анча устунлиги билан намунали ҳисобланади. Шу боис ҳам унга "Хизмат кўрсатган участка вакили" нишони берилган.

Бозор айланди, кейин "Қипчоқ" маҳалла қўмитасига борди. Маҳалла оқсоқоли Раҳматилла Бойхўрозов уч-тўрт фаоллар билан йиғилиш ўтказаётганди. Баҳриддин айни пайтда келганидан севиниб, сўз олди.

– Депутатлар сайловини намунали ўтказганимиз учун, шаҳар ҳокимлиги миннатдорчилик билдирди. Энди Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ҳам уюшқоқлик билан ўтказишимиз керак, бунда маҳалла фаолларининг алоҳида ўрни бўлади.

Баҳриддин маҳаллада тинчлик, осойишталикни сақлаш, мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида уларга кўз-қулоқ бўлиб туриш, ота-оналарнинг эътиборини ошириш ҳақида тўхталди.

У яна участка вакили хонасига қайтди. Эртага бўладиган ишларни режалаштириб ўтирганди маҳалла посбонлари Камолиддин Усанов, Улуғбек Расулов, Қобил Алимовлар кириб келишди. Улар бирин-кетин бугунги топшириқларнинг бажарилиши ҳақида ахборот бердилар.

Улар кетгандан кейин участка вакиллари келишди. Бирини тунги навбатчиликка, яна бирини ҳисобот билан ички ишлар бўлимига юборди. Қолганлари ҳам топшириқ олиб тарқалишди.

Баҳриддин уйига келганда вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Одатдагидек, хотини уйқусиз кўзларини билдирмасликка ҳаракат қилиб кутиб олди. Катта ўғли Акмал ҳам хонадан чиқиб келди:

– Кечаги фильмнинг давомини берди, полициячилар ўғрибошини ушлади, самолётда қочиб кетаётган эди.

Баҳриддин ўғлининг гапларини кулимсираб эшитиб ичкарига кирди. Ортидан хотини кираркан:

– Шу ўғлингиз, ота касбини қиладиёв, доимо полиция милиция ҳақидаги киноларни кўради, — деди.

– Нимаси ёмон, менинг ниятим ҳам шу-да, – деди Баҳриддин ўғлининг елкасини қоқиб.

Биз Жиззах шаҳар ИИБ катта участка вакили, милиция капитани Баҳриддин Гулмуродовнинг иш кунидан бирини ҳикоя қилдик. Унинг масъулиятли ва шарафли иш куни доимо шундай эл орасида ўтади.

*Садриддин* **ШАМСИДДИНОВ.**

**Суратда:** болалар Баҳриддин Гулмуродовнинг дўсти, қувончи.

**Б. БЕГИМҚУЛОВ** *олган сурат.*

Фирибгарлик – иллат

# КЎЗА СИНДИ

*Олой бозорида савдо-сотиқ билан шуғулланаётган бир аёл ёнида турган шерикларига уй сотиб олмоқчи эканлигини айтиб қолди. Орадан ҳеч вақт ўтмай унинг олдида ёши қирқларга бориб қолган киши пайдо бўлди. Ўзини Султон (“қаҳрамон”лар исми ўзгартирилди) деб таништирган бу кимса уёқ-буёқдан гапни айлантиргач мақсадга кўчди:*

*— Сизга уй кераклигини эшитиб қолдим, — деди у. — Шаҳарнинг қулай жойида уй бор, сотиб олсангиз асло ютқазмайсиз.*

*— Баҳоси қанча экан? — сергакланди аёл.*

*— От билан туя бўлармиди. Аввал бориб жойини кўринг, ёқса нархини келишаверамиз.*

*Эртасига аёл Ҳамза тумани Ҳарбийлар шаҳарчасида жойлашган 70-уй, 1-хонадонга борди. Султон ҳам, хотини Мунира ҳам жуда шинаванда чиқиб қолишди. Меҳмондорчилик ва ширин сўзлардан харидор ийиди-қолди. Тўғри-да, дурустгина уй, бунинг устига ҳужжатлари ҳам жойида. Шу кунинёқ хона 215.000 сўмга “бор барака” қилинди. Аёл хамир учидан патир, деб 50.000 сўм “заклад” ташлаб кетди. Кейинчалик гувоҳлар иштирокида “Уй дафтари”ни олиб, яна 130.000 сўм, майда харажатлар учун қўшимча 5000 сўм берди.*

*Орадан кунлар ўтди. Куюндек қўққисдан пайдо бўлган Султон сувга тушган тошдек ғойиб бўлди-қолди. Аёл бир неча бор унинг уйига қидириб бориб, топа олмади. Қўшнилардан суриштириб, бу уй аслида бир рус аёлга тегишли эканлигини билиб, тарвузи қўлтиғидан тушди. Наҳотки, ахир қўлида “Уй дафтари” бор. Бундан ташқари Султон хотинининг паспортини кўрсатганда шу уйга рўйхатга қўйилганини ўз кўзи билан кўрди-ку. Бундан кўнгли бироз тинчланса-да, Султоннинг тутқич бермаётгани шубҳасини яна орттирарди. У ўйлаб-ўйлаб, охири милицияга арз қилишга қарор қилди.*

*Ушбу воқеа сабаб бўлиб, турли найранглар билан одамларни алдаб юрган Султоннинг қинғир ишлари очилиб кетди. Аввало юқоридаги уй ҳақида. 1997 йил июль ойида бу хонадонда ҳеч ким турмаслигини эшитиб қолган Султон уни қўлга киритиш режасини туза бошлади. Бунинг учун кимнидир рўйхатга қўйиш керак эди. У ЖЭКга бориб, мутасадди раҳбарлардан шу уйда вақтинча яшаб туришни илтимос қилди. Хонадон эгаси анчадан бери қаёққадир ғойиб бўлгани сабабли тўловлар ўз вақтида тўланмаётган, бунинг устига сув тошиб, қўшнилар норозилиги келиб чиқаётгани сабабли бу таклифга дарҳол рози бўлишди.*

*Иш жўн битганидан қувониб, уйга кириб олган Султон рўйхатга қўйиш учун керакли бўлган “Форма-3” иш қоғозини қалбакилаштирди. Уни тергов даврида аниқлашнинг имкони бўлмаган бошқа ҳужжатлар билан бирга туман ИИБ паспорт бўлинмасига топшириб, хотинини рўйхатдан ўтказди. Энди уйни бемалол пуллаб юбориш мумкин эди.*

*Султон бозорчи аёлнинг пулини шилиб, яшириниб юрган бир пайтда уйнинг ҳақиқий эгаси — Ғазалкентдаги синглисиникида яшаб турган Р. Бузлуцкаянинг қариндоши келиб қолди. У уйга кимдир кириб олгани, бунинг устига бировга сотиб юборганини билиб қолиб роса шовқин кўтарди. Уйдаги болалар аравачаси, болалар ваннаси, 30 дона шиша банкалар ўғирланганини ҳам маълум қилди.*

*Ҳибсга олинган Султоннинг бошқа жиноий хатти-ҳаракатлари ҳам фош этилди. У 1996 йил октябрь ойида Тожикистон фуқароси Ж. Асоевга “паспорт столида ишлайман” деб ёлғон гапиради. Унинг паспортини олиб, ўзи яшайдиган Гўзалкент туманидаги қишлоқ фуқаролар йиғинларидан бирига боради. Хизмат хонасида одам йўқлигидан фойдаланиб, паспортнинг 16 ва 17-бетларига стол устида қолдирилган муҳрни босади. Уйга келгач муҳрларнинг остига “Ҳисобга кирди. 25.09.1996 йил” ва “Ҳисобдан чиқди. 16.11.1996 йил” деган ёзувларни ёзиб қўяди.*

*Орадан тахминан бир йил ўтгач Султон ўз жиноий хатти-ҳаракатини яна давом эттиради. У фуқаро Р. Комиловдан валюта ундиришни кўзлаб, унинг ишончига киради. Ўз мақсадига эришиш учун бирор нарсани гаровга қолдириш лозим эди. Султон қўшниси И. Аҳмедовнинг кўнгли бўшлигидан фойдаланади.*

*— “Яхши қўшни туғишганингдан афзал”, деган доно нақл бор, — дейди уникига чиқиб. — Сиздан бир масалада ёрдам сўраб келдим.*

*— Қандай ёрдам керак бўлса бемалол айтаверинг, — деди қўшни тавозе билан.*

*— Ҳабибулла деган жияним ўқишга кирмоқчи эди. Уни уйингизга вақтинча рўйхатдан ўтказсак нима дейсиз?*

*— Хм... — ўйланиб қолди қўшни. — Майли, сиз учун ўйлашиб кўрармиз.*

*— Раҳмат, шундай дейишингизни билардим.*

*Султон мийиғида кулиб, хонадан чиқди. У яна бир неча марта илтимос қилгач И. Аҳмедовнинг рози бўлишдан бошқа иложи қолмади ҳамда паспорти ва “Уй дафтари”ни қўшнисига тутқазди. Аммо орадан анча вақт ўтишига қарамай берган ҳужжатларини қайтариб ололмади. Султон ҳар гал турли баҳоналарни рўкач қиларди. Кейинчалик у бировдан 500 АҚШ доллари қарз олиб, “Уй дафтари”ни гаровга бериб қўйганини билди.*

*Кўза кунда эмас, кунида синади, дейишади. Кўза синди, шунча қалбаки ишларни қилиб, сувдан қуруқ чиқаётган фирибгар қўлга тушди.*

**Фирибгарлик, товламачилик билан ўзгаларнинг пешона тери эвазига топилган пули, мол-мулкига кўз олайтириш ёки уларга эгалик қилишга уриниш маънавиятимиз ва миллий қадриятларимизга путур етказиши ойдек равшан. Шу боис бундай иллатга қарши кескин кураш олиб бориш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Мақолада келтирилган шахслар Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суди томонидан турли муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар. Шуни унутмаслик керакки, бирон-та ҳам жиноят жазосиз қолмайди.**

# ОМАДСИЗ “ЖЕНТЛЬМЕНЛАР”

Одатда жентльмен, яъни жаноб деганда қатъиятли, тўғрисўз ва ишбилармон кишилар гавдаланади кўз олдимизда. Биз тилга олишга жазм қилган бу шахслар бўй-басти, юриш-туриши билан жентльменларга ўхшаса-да, бозорма-бозор санқиб, қилаётган ножўя ишлари...

Фуқаро А. Жаниев ўтган йил март ойида Паркент бозорига тушган эди. Кўзлаган юмушларини битириб уйга қайтаётганда одамлар тўпланиб турганини кўриб қолди. Қизиқиб бориб қараса “Омадингизни синаб кўринг” деб номланган аттракцион ўтказилаётган экан.

– Қани келиб қолинг, омадингизни синаб кўринг, бир неча дақиқада катта ютуқ эгаси бўлишингиз мумкин!

Тинмай “сайраётган” йигит ўйинга қўшилаётган ишқибозларга карта тарқатар, шериги эса пул йиғиш билан банд эди. А. Жаниев ютуққа телевизор, видеомагнитофон, телефон ва бошқа буюмлар қўйилганини кўриб, омадини синаб кўришга аҳд қилди. Аммо ҳадеганда қўли келавермади. Эҳтиросга берилиб кетиб, хаш-паш дегунча 100.000 сўм пулини ютқазиб қўйганини билмай қолди.

Шунча пулидан айрилиб, чўнтагини қоқлаган А. Жаниев аламини кимдан олишни билмай юрган бир пайтда бояги икки чапдаст йигит энди аттракционни “Авиасозлар” бозорида қизитиб юборишган эди. Фуқаро А. Нафисов ўйинда иштирок этиб, 1500 сўм пулидан айрилди. Пул ҳам майли, у ўйин ташкилотчилари ўзига ўхшаш содда одамларни лақиллатишаётгани, яъни ютуққа қўйилган қутилар бўш эканлигини билиб қолиб фиғони янада ошди.

Хуллас, жабрланганлар сони тобора кўпайиб бориб, тегишли жойга арз қилишга мажбур бўлишди. 1999 йил 7 апрель куни Ҳамза тумани прокуратураси ва ички ишлар бўлими ходимлари биргаликда эҳтиросли ўйин ташкил этган Акмалнинг фаолиятини текшириб кўришди. Шунда аттракцион ўтказиш ҳуқуқини берувчи махсус лицензия олинмагани, мавжуд ҳужжатлар эса қалбаки эканлиги, ютуққа қўйилган телевизор, видеомагнитофон, телефонлар умуман йўқлиги маълум бўлди.

Бирор фойдали меҳнат билан шуғулланишга бўйни ёр бермаган В. ва С. лар ҳам 311-рақамли қалбаки лицензия тайёрлаб, Паркент бозорида худди шундай ўйин ўтказишаётганда уларнинг қилмиши туман солиқ инспекцияси ходимлари томонидан фош этилди.

Шундай қилиб фуқароларга ўз омадларини синаб кўришни таклиф этаётган бу ёлғончи “жентльменлар”га омад кулиб боқмади.

# ЯРМИ МОЙ, ЯРМИ... СУВ

**“Янгиобод” бозори одамлар билан гавжум. Кимдир олиб келган нарсасини мақтаб сотса, бошқа биров унинг нархини келиштириб, харид қилиш билан овора. Шу ерда ўралашиб юрган Владимир харидор дидининг обдон “хадди”ни олган. Харидор билан бир оғиз гаплашса бас, у олғирми, лақмами ёки бошқа хислатга эгами, дарҳол билиб олади. Молини шунга қараб ўтказишга одатланган.**

**Фуқаро З. Режаматова хонадонида йиғин ўтказиш учун пахта ёғи олиб қўйиш мақсадида бозорга тушган эди. Унинг пахта ёғи суриштириб юрганини кўрган Владимирнинг кўнгли ёришиб кетди. Бунинг боиси, ярми сув молни унга бемалол пуллаб юбориш мумкин эди.**

**– Тоза пахта ёғи бор, олмайсизми? – деди Владимир харидорнинг атрофида парвона бўлиб.**

**У айтган нархдан З. Режаматова қониқиш олди. Аммо бу аёл ёғнинг сифатини ажрата олмас эди. Шу сабабли ёнидаги Маринадан уни текшириб кўришни илтимос қилди.**

**– Тузукка ўхшайди, – деди Марина полиэтилен халтадаги ёғни ҳидлаб кўриб.**

**Кўнгли таскин топган З.Режаматова қирқ беш кило ёғни 10.000 сўмга сотиб олди. Уйига келиб таом тайёрламоқчи бўлди ҳамда ёғдан қозонга озгина солиб, тагидан ўт ёққан эди чарсиллай бошлади. Шундагина ўзи келтирган ёғга сув аралаштирилганини билди.**

**Орадан 2-3 кун ўтгач З.Режаматова яна бозорга борди. Ёғ сотаётганлар орасида Владимирни кўриб қолиб пулимни қайтариб бер, дея хархаша қила бошлади. Кўзлари олазарак бўлиб кетган ёғфуруш унинг енгидан тортиб бир чеккага бошлади. Улар одамлар кўзидан нари кетишди. Владимир пайт пойлаб, жуфтакни ростлаб қолди. Бу қуёнюрак кимсадан бошқа нимани ҳам кутиш мумкин эди.**

**Одамларни алдаб, текин даромад орттиришни касб қилиб олган Владимир шунингдек, фуқаролар Д. Отажоновага 45 килограмм ёғни 10000 сўмга, М.Кимга эса 10800 сўмга сотганлиги маълум бўлди. Ҳар қандай қинғир ишнинг ниҳояси бўлгани каби йигирма бир ёшли бу фирибгар милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.**

**Саъдулла ШОДИЕВ.**

## Тахиатош шаҳар ИИБ томонидан жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган қуйидаги шахслар ҚИДИРИЛМОҚДА



**Виталий Миронович Ким**, 1964 йилда Тошкент вилоятида туғилган, миллати корейс, Тахиатош шаҳрида яшаган. **Белгилари**: бўйи 150–160 см, юзи чўзиқроқ, қоши ёйсимон, бурни ўртача, тўғри, лаблари юпқа, сочи қора, калта.



**Кулназар Хўжаназарович Давлатов**, 1936 йилда Беруний туманида туғилган, миллати қозоқ, Тахиатош шаҳрида яшаган. **Белгилари**: бўйи 160–170 см, юзи чўзиқроқ, кўзлари қисиқ, пешонаси кенг, қоши ёйсимон, бурни катта тўғри, сочи калта, лаблари юпқа.



**Нурбой Смагилович Игиликов**, 1976 йилда туғилган, миллати қозоқ, Тахиатош шаҳри О. Шомуротова кўчаси, 34-уйда яшаган. **Белгилари**: 165–170 см, ўрта гавдали, юзи думалоқ, қоши тўғри, бурни катта, лаби қалин, кўзи қисиқ, сочи калта.



**Ботир Сапармуротович Оразмамедов**, 1975 йилда туғилган, миллати туркман. Тахиатош шаҳри Н. Довқораев кўчаси, 42-уйда яшаган. **Белгилари**: бўйи 160–165 см, ўрта гавдали, сочи қора, юзи чўзиқроқ, бурни катта, лаби қалин, оғзи катта.

**Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

# YAKSHANBA 16

## ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".

***

8.30 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.00 Фарғона вилояти хонандалари концерти.
9.25 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Тоғларнинг гули ўзгача".
9.45 "Ғаройибот".

**"Умид" намойиш этади:**

10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Билим-ринг".
11.40 "Шоҳруҳ" клуби.
12.10 "Эл тинчлиги йўлида".
12.35 Кундузги сеанс: "Есения". Бадиий фильм. 1-серия.
13.45 "Кўзгу". Тележурнал.
14.15 Ёш ижрочилар концерти.
14.45 "Есения". Бадиий фильм. 2-серия.
15.50 "Мозийдан бир мўъжиза".
16.05 "Бўстон". Тележурнал.
16.35 "Қувноқ стартлар". Телемусобақа.
17.15 "Ой чиқмаган оқшом". Телевизион театр. 2-қисм.
18.00 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
18.20 "Сеҳрли шуъла". Кинокўрсатув.
18.40 "Чемпион билан учрашув". Спорт дастури.
18.55 "Ўзлик". Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Оламга саёҳат".
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 "Якшанба оқшомида". Мусиқий-дам олиш дастури.
22.15 Телевизион миниатюралар театри.
22.50 "ТВ-1 намойиш этади". Телеанонс.

**"Аср мўъжизаси"**

23.05 Кино янгиликлари.
23.20 "Ўзбек киноси ижодкорлари".
23.40 "Шаҳаншоҳ". Бадиий фильм. 2-серия.
1.05-1.10 Ватан тимсоллари.

## ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Янги авлод" студияси намойиш этади ("Янги авлод" почтаси", "Бўш ўтирма", мультгомоша)
9.50 "Мусиқий лаҳзалар".
10.00 "Давр". Ахборот дастури.
10.30 "Ёшлар" телеканалида.
10.35 "Сувости экспедицияси". Телесериал. 7-қисм.
11.25 "Синфдош".
11.45 "Мусиқий дастур".
12.00 "Лаззат".
12.20 "Рамаяна" Телесериал.
12.55 "Мардлар қўриқлайди Ватанни".
13.35 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: "Спорт-2000".
15.35 "Цирк, цирк, цирк..."
15.55 "Мусиқий лаҳзалар".
16.00 Болалар учун фильм. "Ёввойи оққушлар".
17.25 "Солиқ ҳақида сабоқлар".
17.40 "Иқтидорли ёшлар мамлакатида". Ўзбекистон Президентининг 2000 йилги давлат стипендиатлари".
17.50 Мусиқий дастур.

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Янги авлод" студияси намойиш этади ("Спорт майдончаси", "Коинот сирлари", "Самовий саргузаштлар" Видеофильм премьераси. 4-қисм)
19.00 "Ақл ёшдамас".
19.15 "Мусиқий лаҳзалар".
19.20 "Хаёл".
19.40 "Сурур" Мусиқий дастур.
20.00 "Давр" Хайрулла Нуриддинов билан.
20.40, 21.20, 23.25 Эълонлар.
20.45 "Рамаяна". Телесериал.
21.25 "Бу мунис лаҳзалар".
21.45 "Якшанбада кўришгунча".
22.05 "Ойдин кечалар".
23.05 "Олам футболи".
23.30 Синема.
1.00 "Хайрли тун!"

## ЎзТВ III

8.00 "Соғлом бўлай десангиз".
8.10 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
9.00 "Тонгги пойтахт".
9.45 Болажонлар экрани. "Ит ўргатувчилар".
10.25 "Хусусийлаштириш: қадамбақадам".
10.45 "Спорт-тайм".
11.05 "Ёввойи табиат".
11.55-12.30 Кинонигоҳ. "Совға".

***

18.00 "Ойнаи жаҳонда".
18.10 "Ёрилтош". Мультгўплам.
18.35 "XXI аср авлодлари".
19.05 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
19.55 "Ибрат".
20.25, 21.10 Эълонлар.
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 "Аёл — она, мураббий, раҳбар" телеклуби.
21.35 "Даллас". Телесериал.
22.45 "Якшанбада яхши дам". Мусиқий-дам олиш дастури.
23.15 Кинонигоҳ. Менинг сўнгги тангоим".
00.50 "Хайрли тун, шаҳрим!"

## ЎзТВ IV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 "Тенгдошлар".
10.20 "Парле ву франсэ?"
10.45 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
10.55 "Фан-тайм". (Болалар учун инглиз тили)
11.05 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
12.45 "Буржлар башорати".
14.25-15.10 "Дўстлик" видеоканали: "Дидар", "Бизнен мирас".

***

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 "Бу ажиб дунё".
17.50 "Тенгдошлар".
18.10 "Кинопрофи".
18.30 "Дил изҳори".
18.45 Якшанба кинозали. "Леон". Бадиий фильм.

***

21.00 "Қўшиқ—99". Якунловчи концерт.
00.15 "Таҳлилнома" (рус тилида)
00.45 "Тунингиз осуда бўлсин!"

## 30-КАНАЛ

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий дам олиш дастури.
9.30, 13.40, 18.00, 19.50, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.20 Болалар учун фильм.
11.45 «Клип-совғача».
12.00 Тушки кино. «Йўқолган шаҳар». Фантастик жангари фильм (АҚШ).
14.05 «Графиня де Монсоро». Тарихий сериал.
15.00 Оилавий кино. «Анжелика ва султон» (Франция, Италия, Германия).
16.40 «Брейн-ринг». Телеўйин.
17.30 «Визави».
18.30 «Висол». Мусиқий дастур.
19.00 «Косби шоуси». Қувноқ сериал.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал» да якшанба кинооқшоми.
23.15 «Мак Гайвер». Телесериал.
24.00 Мусиқий дастур.

## РЖТ

8.10, 10.00, 15.00 — Янгиликлар.
8.10 «Россияга хизмат қиламан!».
8.40 «Дисней-клуб». «Гуфи ва унинг командаси».
9.10 «Тонгги юлдуз».
10.10 Дм. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.25 «Ҳамма уйдалигида».
11.05 «Альф». Оилавий комедия.
11.35 «Сиҳат-саломатлик».
12.05 Кундузги киносеанс. Георгий Тараторкин «Ғолиб» фильмида.
14.00 «Саёҳатчилар клуби».
14.35 Бир асар тарихи. «Рус музейи».
15.10 «Тоғлик» саргузашт сериали.
15.55 «Ақллилар ва оқилалар».
16.25, 16.50 -- «Дисней-клуб».
17.20 Бу қандай бўлган эди «Темиртовдаги қўзғолон. 1959 йил».
18.10 Евгений Петросяннинг «Кулги панорамаси».
18.45 Якшанба кун премьераси. «Леон».
21.00 Сергей Доренконинг муаллифлик дастури.
22.05 Памела Андерсон «Мени кичкинтой дема» жангари фильмида.
23.50 Кино чизиғи.

## РДТ

8.30 «Ватанимга хизмат қиламан!».
8.25 Мультфильмлар.
9.20 «Бола тилидан». Телеўйин.
9.55 «Хайрли тонг, юртим!».
10.30 «Аншлаг» ва Ко.
12.00 «Рус лотоси».
12.40 «Китоблар олами» Леонид Куравлев билан.
13.25 Брюс Уилис «Норд» фильмида(АҚШ).
15.05 «Жониворлар ҳақида мулоқотлар».
16.00 «Эски квартира».
17.00 Ҳужжатли фильмлар.
18.00 «Кўзгу» олдида.
18.15 РДТда премьера. Николай Караченцев, Юрий Яковлев ва Вениамин Смехов «Ёлғиз эркак учун қопқон» детективида.
20.00 «Кўзгу».
21.00 «Россия» кинотеатри. Евгений Леонов-Гладишев, Светлана Рябова, Михаил Евдокимов, Татьяна Догилева «Уйланишни истамайман» кинокомедиясида.
22.45 «Навбатчи қисм».
23.05 Канн фестивали совриндори Атом Эгояннинг «Ғаройибот» фильми (Канада).

## ТВ-6

10.05, 14.00, 20.40 — «Йўл назорати».
10.20 Мультфильм.
10.45 «Кимки...»
10.55 «СВ-шоу».
11.45 «Яна 33 квадрат метр». Ҳажвий сериал.
12.15 «Қандай қилиб юлдуз бўлиш мумкин?» С. Сивохо билан.
12.45 «Ле-го-го» Илья Легостаев билан.
13.20, 14.45 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
14.20 «Star-старт».
15.00 ТВ-6 кинотеатри. Н. Фатеева, Л. Гурченко «Тамаки капитани» мусиқий фильмида.
16.30 «Сифат белгиси»ни халқ тақдим этади.
17.05 «Саволга ўрин йўқ».
17.45 ТВ-6 кинотеатри Л. Орлова «Волга-волга» фильмида.
19.35 «Ҳафта ҳалокатлари».
20.25 «Севсанг-қара». Видеоклиплар.
21.00 ТВ-6 кинотеатри. «Сўнгги қонҳўр».
22.55 ТВ-6 кинотеатри. Мадонна, Ш. Пенн «Шанхай совғаси» фильмида.
00.45 «Сизнинг мусиқа»: Игорь Николаев.
01.40 Спорт янгиликлари.
02.15 Премьера. «Хориж моли». Эротик фильм.
03.40 — 05.05 Юлдузларнинг Янги йил табриги.

## НТВ

10.00, 13.00, 14.00, 18.00 — «Бугун».
10.15 «Уни Никита деб атардилар». Сериал.
11.00 «Чангалзорлар қонуни (АҚШ).
11.30 «Ҳеч қаерда ва ҳеч қачон» (АҚШ).
12.15 «Қутқарув хизмати».
12.40 «Мени тушун». Телеўйин.
13.10 «Табиатшунос саёҳатлари».
13.40 «Фитиль».
14.25 «Эҳтиёт бўл». Оилавий ўйин.
14.55 Оксана Пушкинанинг «Аёл нигоҳи».
15.25 «Людмила Зикина». Л. Парфёнов фильми.
17.25 «Ҳалокатлар» туркумидан ҳужжатли сериал (Буюк Британия).
18.30 «Кекса ота-оналар».
19.00 «Совуқ уруш». Ҳужжатли сериал.
19.55 «У қотилликни баён этди». Сериал.
21.00 «Якунлар».
22.35 «Қўғирчоқлар».
22.50 НТВда премьера. «Чироқлари синган кўчалар-II». Сериал. 1-серия.
23.50 «Якунлар» Виктор Шендерович билан.
00.10 Кино олами. Стив Гуттенберг «Полициячилар академеси» комедиясида (АҚШ).
02.00 «Учинчи тайм». С. Шустер дастури.

## АСТ

8.00, 20.45 Халқаро спорт шарҳи.
8.30, 20.30, 23.30, 2.30, 5.30 "Факт".
8.45, 12.35 Мультфильмлар.
9.10, 0.00 "Марианна Укрия" бадиий фильми.
11.00 Сеҳрли микрофон.
11.30 Болалар учун фильми.
13.00, 2.45 "Етти нота ва бутун олам".
14.00 "Жаҳон эртаклари".
14.25, 3.40 Экранда театр.
15.35 Мусиқий мозаика.
15.55 "Хайр XX аср".
16.45 "Жаҳон маданияти дурдоналари".
17.00 Благовест.
17.25 "Бошлар баҳоси" детектив фильми.
18.50 "Ўзимга ёдгорликман".
19.45, 7.15 Ғалабанинг 55 йиллигига.
20.00 В. Рижков учун мавхум.
21.10 "Бу ўша Мюнхгаузен". 2-қисм.
22.15, 4.40 Катталар учун мультфильм.
23.20 XX аср сирлари ва афсоналари. "Галлиполи сирлари".
23.45, 5.45 Постфактум.
2.00 "Ноу-хау шоу".
5.00 "Гранд" триоси таклиф этади.
6.00 "Театр". 2-қисм.
7.30 "Классика. Сайланма".

## REN TV

10.30 "Ширин қасос" комедияси.
12.30 "Маппет-шоу" комедия сериали.
13.00 "Элли Макбил" телесериали.
14.00 Бешинчи устун.
14.30, 23.30 "Полиция блюзи" драматик сериали.
15.30 REN TV янгиликлари.
15.40 "Жиллетт".
16.05 Футбол. Англия премьер лигаси.
18.00 "Вақт полициячиси" телесериали.
19.00 "Реноме".
20.00 "Малибу тунлари" телесериали.
21.00 "Симпсонлар" мультсериали.
21.30 "Шайтон белгиси" телесериали.
0.35 Тасодифий гувоҳ.
1.10 "Вужудингла олов бўлиб ён" криминал фильми.
3.10 Тунги мусиқий канал.

## ТВ МАРКАЗ

10.00 Болалар телеканали.
11.00, 17.45 Мультфильмлар.
11.15 "45-йилнинг худди шу кунида".
11.35 "Тун одами" фантастик сериали.
12.30 Сўз ва иш.
13.00, 16.00, 22.00 "Воқеалар"
13.15 "Дала почтаси" мусиқий дастур.
13.45 "Ойи, дада оламни қутқаринг" фантастик комедияси.
15.25 "21-хона"
16.15 "Амалиёт" телесериалида адвокатлар тарихи.
17.15 "Алоҳида папка".
18.05 "Уч қалб" бадиий фильми.
20.00 "Н. Кадишеванинг олтин ҳалқаси".
21.00 "Учинчиси берилмаган" интерактив фильми.
22.30 "Махфий материаллар".
22.55 "Уч қалб-2" бадиий фильми.
1.25 "Ижодкор" бадиий фильми.

## ТНТ

10.00, 17.35 "Хоним" сериали.
11.00, 18.30 "Қора кўрфаз" сериали.
11.55, 17.30 Таъбирнома.
12.00 "Қароқчи ҳужуми" ўйини.
12.30 Мультсериал.
13.00 "Алекс Мак-2нинг сирли олами" ўсмирлар учун сериали.
13.30 Суперхоккей.
14.00 Жаҳон футболи.
14.30 "Ксапатана сирлари" ўйини.
16.00 "Ёввойи табиат олами" сериали.
16.30 Ҳужжатли фильмлар.
19.30 "Сиквест" саргузашт сериали.
20.30 Кино, кино, кино.
20.55, 0.40 "Улкан янгиликлар".
21.00, 3.25 "Мен Люсини севаман". 36-қисм.
21.30 "Отажоним майор" сериали.
22.00 "Шундай ҳар хил Трейси". 23-қисм.
22.30 ...билан учрашув.
23.30 "Ҳаммасини эслаш" сериали.
0.45 "Бир куни кечқурун".
1.50 Стриж ва бошқалар.
2.25 ТНТда рестлинг.


**«KAMOЛОТ-KOMPYUTER» БИЗНЕС МАКТАБИ**
**КУЙИДАГИ ЎКУВ КУРСЛАРГА ТАКЛИФ КИЛАДИ:**

Уч ойлик:
- ҳисобчилар, компьютер таълими билан бирга;
- инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун);
- болалар учун инглиз тили;
- компьютер билимлари;
- банк иши ва компьютер.

Икки ойлик:
- замонавий бухгалтерия ҳисоби;
- банк иши;
- компьютерда ишлаш таълими (WINDOWS'95, MS OFFISE'95, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА);
- дастурлаш тиллари;
- бичиш-тикиш зардўзи.

Бир ойлик:
- 1С: бухгалтерия дастури билан ишлаш таълими;
- INTERNETга ўқитиш.

*Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади.*

**Манзилимиз: Тошкент ш. Навоий-11, 39-хона ("Камолот" республика ёшлар жамғармаси биноси).**

Тел.: 41-59-74, 58-48-50.



**"ЗУККО" фирмаси ўқув маркази**
**сизларни турли курсларга ўқишга таклиф этади**



**3 ойлик**

| | |
|---|---|
| **Бичиш-тикиш** | — бир ойга 2000 сўм. |
| **Инглиз тили** | — бир ойга 1500 сўм. |
| **Телерадиоусталари** | — бир ойга 2000 сўм. |
| **Бухгалтерия** | — бир ойга 2500 сўм. |

**2 ойлик**

| | |
|---|---|
| **Торт тайёрлаш** | — бир ойга 2000 сўм. |
| **Сартарошлик** | — бир ойга 2500 сўм. |
| **Массаж** | — бир ойга 2500 сўм. |
| **Уй ҳамшираси** | — бир ойга 2500 сўм. |
| **Лор ҳамшираси** | — бир ойга 2500 сўм. |

Ўқиш ҳафтада икки марта.
**Ўқишни битирганларга диплом берилади.**

**Манзилимиз: метронинг "Тинчлик" бекати. "Азиза Сайфи қизи" ательесининг ичида.**
**Тел.: 42-19-57.**
**"Адидас" дўкони ёнида.**


## Табриклаймиз!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Қўриқлаш РБ раҳбарияти ва шахсий таркиби, бошқарма бошлиғи муовини милиция полковниги **Тоҳир МАҲКАМОВ**ни таваллуд куни билан самимий табриклайдилар. Тоҳир Юсуповичга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, машаққатли ва шарафли ишларида катта ютуқлар тилайдилар. Яна кўп йиллар юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида хормай, толмай хизмат қилиб юришларини Яратгандан сўраб қоладилар.

* * *

Каттақўрғон шаҳар ИИБ паспорт бўлими бошлиғи, милиция подполковниги **Салимжон ХОЛИҚУЛОВ**ни 47 ёши билан самимий табриклаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хизматларида катта зафарлар ва оиласига бахт тилаймиз.

**Шаҳар ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.**

* * *

Ҳурматли дадажонимиз, Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бўлинма сардори милиция майори **Саъдулла ИСМАТОВ**ни 40 ёшлари билан қизғин табриклаймиз. Дадажонимизнинг умрлари узун, тани-жонлари соғ, мартабалари улуғ бўлсин.

**Рафиқангиз ва фарзандларингиз.**


**«ДИЛОРОМ» ўқув маркази таклиф этади:**

**2 ойлик:**

1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.
3. Зардўзлик — бухорча.
4. Тикиш-бичиш, моделлаштириш.
5. Аёллар устки кийимларини тикиш-бичиш, моделлаштириш.

**3 ойлик:**

1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун)
3. Турк тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун)

**Манзил: Абай кўчаси, 4 «а»-уй, 1-қават, 114-хона, мўлжал: Алишер Навоий метро бекати, «Қишлоқхўжтаъмиртаъминот» биноси.**

**Тел.: 144-03-25, 125-19-15.**



**"Баёт" ўқув маркази ўқишга таклиф этади:**

**3 ойлик**
— Бичиш-тикиш (3 ой-6 ой)
— Инглиз тили - бошловчилар ва давом эттирувчилар учун
— Араб тили
— Радио-телевизор устаси
— Компьютер-бухгалтерия

**2 ойлик**
— Ҳар хил тортлар тайёрлаш
— Сартарошлик
— Массаж
— Уй ҳамшираси
— Бухгалтерия
— Эркаклар костюмини тикиш
— Компьютерда ишлаш



**Ўқишни битирганларга диплом берилади.**
**Манзил: "Баёт" ўқув маркази.**
Метронинг "Тинчлик" бекати ёнида.
**Тел.: 42-23-70.**



**«O.MAK.S» ФИРМАСИ**
**қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:**

**3 ойлик:**
- **Инглиз тили** (бошловчилар учун)
- **Инглиз тили** (давом этувчилар учун)
- **Ҳисобчилар** компьютер таълими билан бирга
- **Инглиз тили ва компьютер** билимлари

**2 ойлик:**
- Замонавий ҳисоб-китоб
- TOEFL тестига тайёрлаш
- COREL DRAW 7

**1 ойлик:**
- **1 С** бухгалтерия дастурида иш юритиш
- Компьютерда ишлаш таълими (WINDOWS'95, MS OFFICE'97)

**Дарслар ҳафтада 3 марта 2 соатдан ўтилади.**

5 кишилик гуруҳларда ўқитиш имконияти бор
Махсус программа бўйича ўқитиш имконияти бор

**Ўқишни тамомлаганларга 3 тилда диплом (сертификат) берилади.**
**Бизнинг мутахассисларимиз сифатимиз гаровидир.**

Тел. 68-45-40, 169-54-84, 68-26-59.

**Паркент кўчаси-51**

Транспортлар: Автобус: 1, 44, 89
Трамвай: 3, 6, 13, 20, 29

Шифокорлар малака ошириш институти меҳмонхонаси. **1-подъезд, 8-қават.**
**Мўлжал: эски Шастри.**



# ИККИ ЖОННИНГ ҚИЙМАТИ

Ҳар бир ўта оғир турдаги мавҳум жиноятнинг фош этилиши ходимлар ҳамкорлигининг маҳсулидир.

Ўтган йил 30 августга ўтар кечаси номаълум шахслар Андижон туманининг Жевачи қишлоғида яшаган 1934 йилда туғилган Саодатхон опанинг уйига кириб, у ва бир хонада тунаб қолган қўшнисининг қизи 1987 йилда туғилган Гулнозани ўлдиришган. Воқеа жойига етиб келганимизда кўчада ҳам, ҳовлида ҳам тумонат одам тўпланган, марҳумаларнинг яқинлари алам-ситам билан йиғлаб, қотилни қарғашарди. Уларнинг бор умидлари ҳуқуқий идораларнинг ходимларидан эди. Хаёлимга келган фикрдан қалбим зил кетди: "Санъаткор бўлсанг, кишилар сени фақатгина тўйларига, хурсандчиликларига шерик қилгани таклиф этишади. Милиция ходимларини эса одамлар кўпинча ғамига шерик бўлгани чақиришади".

Қотиллик содир бўлган хонадон атрофлари, мурдалар синчиклаб кўздан кечирилди. Аёлнинг мурдаси ўнг қўлига томон ёнбошлаган ҳолатда. Бош қисмида тўмтоқ қаттиқ жисмдан, баданида ўткир тиғли жисмдан олган олтита жароҳат бор. Ундан ташқари, бўйнида бўғилганлик аломатлари. Қизчанинг эса баданида кўкарган, шилинган жароҳатлар. Айвонда хонтахта устидаги чойнак жўмрагида ўқувчиларнинг катак дафтаридан йиртиб олинган бир варақ қоғозда қотиллик "уюшма" томонидан амалга оширилганлиги ва тез кунларда яна шунга ўхшаш бир неча қотиллик содир этажаклиги тўғрисида огоҳлантирувчи хат, йўлакдаги 42 размерли эркак киши оёқ кийимининг изи бор эди.

Тергов гуруҳи ва бошқа масъул ходимлар томонидан қотиллик бўйича "жойи", "вақти", "ҳолати", "ўлдириш қуроли", "ўғирланган мулк", "хат" ва бошқа топилган ашёвий далиллар ўрганиб чиқилиб, жамланиб қуйидагича тахминланди: "Қотиллик марҳума аёлнинг яқин қариндошлари ёки шу атрофда яшовчи шахслар томонидан тилла билагузукка эга бўлиш мақсадида содир этилган. Огоҳлантирувчи хат эса терговни нотўғри йўлга солиб юбориш учун қолдирилган.

Тергов ва тезкор бўлим ходимлари тадбирлар белгилаб ўтказилаётганида эксперт-криминалистлар "Огоҳлантирувчи хат" текширилиб, энг камида ўрта махсус маълумотли эркак киши томонидан ёзилгани аниқланди.

Прокуратура ва ички ишлар тизимлари ходимлари томонидан бир неча ўнлаб тадбирлар ўтказилди. Улардан бири марҳума С. Тўхтасинованинг набираси Ў. Ж. сўроқ вақтида 30 август куни саҳарлаб Қўқонга бир дўстиникига кетганлигини, ўша ерда кечгача бўлганлигини айтганди. Ўша манзилга тезкор гуруҳ жўнатилди.

Натижада Ўткирнинг Қўқонда бўлмаганлиги аниқланди. Тергов давомида у қотилликни ўзи ўз қўли билан содир этганлигини, хатни эса терговни чалғитиш учун ёзганлигини, ўта маст ҳолда бўлганлиги учун мазмунини эслай олмаётганлигини айтиб, айбига иқрор бўлди. Лекин прокуратура терговчисини ва жиноят-қидирув бошқармаси бошлиғининг Ўткирнинг ўзи ихтиёри билан "мен қотилман" деган кўргазмасидаги мавҳумлик қийнарди. Тинтув вақтида унинг устбошидан бирор томчи ҳам қон доғлари топилмади. Қотиллик содир этилган вақтдаги хатти-ҳаракатларни ҳам аниқ кўрсатолмади. "Дастхатшунослик" экспертизаси хат Ўткир томонидан ёзилмаган деган қатъий хулоса берди.

"Дастхатшунослик" хулосаси билан танишгандан сўнг гумондорнинг "Хатни синглимга ёздирганман" деган кўргазмаси ҳам исботланмади. Қотилликда айбланаётган йигитнинг уйи тинтув қилинганда у ердан варағининг ярми йиртиб олинган ўқувчилар дафтари топилди. Воқеадан хабар топган бошқарма бошлиғи: "Йигитлар, қидирув ҳалқаси торайди, қотил Ўткир эмас, ҳақиқий қотилга яқинлашиб қолдинглар", – деди. Асос дафтар ва ундан олинган варақ эди.

Ўша куни кечга яқин йигитнинг отаси А. Ж. дасхатидан намуна олинди. Ҳар бир ҳарфи ҳижжалаб солиштирилди. Дастхат худди отаники эди.

Гумондор Ж. А. нинг сўроғидан кўчирма:

– Мен 1952 йилда туғилганман. Марҳуманинг қизига уйланганман. Турмуш ўртоғим 1992 йилда вафот этган. 6 нафар фарзандим бор. Ўша куни бир қўлида темир парчаси, бир қўлимда пичоқ билан унинг уйига бордим. Қайнонам мени кўриб бақириб юборди. Мен эса темир билан бошига урдим, у ҳушсиз бўлиб йиқилди. Шу пайт у билан бирга ётган қизча туриб қочишга ҳаракат қилди. Сир фош бўлишидан қўрқиб, уни ҳам уриб йиқитдим. Ўрнидан туришга ҳаракат қилаётган қайнонамни бўғиб, бўйнига бир неча бор пичоқ урдим. Қўлидаги тилла билагузугини, сандиқдан етти минг сўм пулини олдимда, уйда тайёрлаб олган "уюшма" номидан ёзилган хатга бир оз қўшимча қилиб, чойнак жўмрагига тиқиб қўйдим. Саҳар ўғлимни уйғотиб, тилла билагузукни Намангандаги дўстимга олиб бориб сотиб келишни тайинлаб жўнатдим.

Икки инсон умри, мана, қанчага баҳоланган!

Қотил ўз қилмишига иқрор бўлди. Энди буёғини одил суд ҳал этади.

**Ғуломжон РАҲИМОВ,**
**милиция подполковниги.**
**Умида ЙЎЛЧИЕВА,**
**журналист.**

# ТАДБИР ЙИЛ БЎЙИ ДАВОМ ЭТАДИ

**Ўтган йили Сайхунобод туманида жиноятчиликнинг умумий сони 1998 йилга нисбатан анча камайди. Бунинг сабабини эса туман ИИБ бошлиғи муовини, милиция майори УБАЙДУЛЛА ХЎЖАЕВ шундай шарҳлайди.**

– Ички ишлар идораларида кўпинча шартли равишда турли хил тадбирлар ўтказилади. Маълум вақтга белгиланган тадбирда ички ишлар идораларининг барча тизимлари иштирок этади. Масалан, "Тозалаш" тадбирини олайлик. Участка вакилидан тортиб, ИИБ бошлиғигача гуруҳларга бўлиниб, ҳудудларни айланиб чиқишади. Албатта, бу ишнинг самараси катта бўлади. Очилмаётган жиноятлар очилади, жиноятлар содир этиб, қочиб юрганлар, паспорт тизими қоидаларини бузаётганлар аниқланади ва ҳоказо. Шу ўринда мана шу тадбирларни йил давомида ўтказиб бориш мумкин эмасми, деган савол туғилади. Албатта, мумкин. Бунинг учун ҳар бир тизим ўз иши билан пухта шуғулланиши керак. Айтайлик, участка вакили ўз ҳудудида яхши иш олиб борса, унга ёрдамнинг кераги бўлмайди. Маълум белгиланган участкада кимлар яшаши, қандай турмуш кечириши, маҳаллага келиб-кетаётганларни яхши билиши керак. Модомики, участка вакили ўз ҳудудини қатъий назоратда ушлар экан, жиноят содир бўлишининг олди олинади, ҳар қандай қинғир ишлар тезда билинади.

Мен бу билан тадбирларни ўтказиб туришни бекор қилиш керак демоқчи эмасман, балки ҳар доим худди тадбир ўтаётгандек, ҳаракатда бўлиш керак. Милиция ходими ҳар доим хизматда, деб бекор айтишмайди.

Одатта судланиб, қамоқ жазосини ўтаб келганлар жиноят қилишга мойилроқ бўлишади. Шунинг учун ҳам ўтган йили ички ишлар бўлими туман ҳокимлиги билан келишиб, кўникма маркази орқали илгари судланганларга 168 минг сўм моддий ёрдам беришни ташкил этди. Уларнинг муҳим иш билан шуғулланишларига алоҳида эътибор беriляпти. Тумандаги хўжаликлар, ташкилот ва корхоналарда уларнинг касби ва лаёқатига яраша иш топиб берилган.

Туманимизнинг бир чеккасидан Сирдарё оқиб ўтади. Дарё бўйларида кўплаб дала ҳовлилари, дам олиш уйлари бор. Қишга келиб, бу оромгоҳларда деярли ҳеч ким қолмайди. Айрим дайдилар эса бундан фойдаланиб, тайёр бошпанага эга бўлиб оладилар. Яшаш жойининг тайини йўқ, паспорт тизими қоидаларини бузиб яшаётган ана шундай дайдилардан бир нечтаси аниқлаш ва тақсимлаш муассасасига топширилди.

Сайхунободлик милиция ходимлари эл-юрт тинчлиги ва осойиштаълиги йўлида яна кўплаб ишларни амалга оширяптилар. Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш тадбирлари йил бўйи давом этади.

**Ўз мухбиримиз.**

## Қисқа сатрларда

### МИЛЛИЙ БОЙЛИГИМИЗНИ СОТАЁТГАНЛАР

**Бир куни кўчада кетаётиб, онасининг қўлидан ушлаб олган жажжи болакай онасига савол берганини эшитиб қолдим.**

**– Аяжон! Ўзбекистоннинг миллий бойлиги нималигини биламан!**

**Ёш она дарров сўради:**

**– Қани, айт-чи, ўғлим? – деди.**

**Болакай худди онаси билмаган нарсани ўзи билиб олгандек хурсанд мағрурлик билан:**

**– Пахта! – дея жавоб берди.**

**Боласининг бурро жавобидан завқланган она уни маҳкам қучоқлаб, осмонга кўтарди.**

Ҳа, пахта чиндан бизнинг она юртимиз Ўзбекистоннинг, ўзбек элининг чинакам миллий ғурури. Уни ҳар бир толасини – то чигитлигидан тортиб етиштиргунча деҳқонлар не-не қийинчиликларни бошидан ўтказмайди.

Бироқ ана ўша миллий бойлигимиздан ўз манфаатлари йўлида, шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланаётганлар ҳам орамизда учраб турибди. Марҳамат тумани ички ишлар бўлими ҳузуридаги Қўриқлаш бўлинмаси милиционерлари, милиция сержантлари Абдурасул Сариев, Камолиддин Бойнаевлар тумандаги, Бобур жамоа хўжалиги, 2-участка, 9-бригада ҳудудида яшовчи, 61 ёшли М. Мамадалиев 20 килограмм, шу хўжалик ишчиси С. Мамажонова 98 килограмм пахтани жамоа хўжалиги далаларидан териб олиб, хирмонга топширмасдан уйларига яшириб қўйганларини аниқлашди. Пахталар далилий ашё сифатида олинди.

### ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС...

Қирғизистон республикаси Новкент туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Алишер Усмоналиев ҳамда Марғилон шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Азиза Тўхтасинова ва Кундузхон Маъмуровалар Ўзбекистон Республикаси Пахтаобод туманига келишиб, Маданият қишлоғида "кўним" топишган, 1 килограмм, 300 грамм бўлган героин гиёҳванд моддасини уч юз саксон минг сўмга сотаётган пайтларида ички ишлар бўлими ЖҚБ ходимлари билан ҳамкорликда хизмат қилаётган Қўриқлаш бўлинмаси милиционери, милиция сержанти Голибжон Қурбонов томонидан қўлга олинди. Чақирилмаган "меҳмон"лар юқоридаги мақолни энди тан олишди.

### ШИОРИМИЗ ҲУШЁРЛИК

Ана шундай эзгу мақсад билан хизмат қилаётган Пахтаобод тумани ички ишлар бўлими томонидан ўтказилаётган "Тозалаш" тадбирида қатнашаётган Қўриқлаш бўлинмаси милиционерлари, милиция сержантлари Тўрахон Шокиров ва Мирзоҳид Азизовлар туманнинг "Ҳақиқат" жамоа хўжалигида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган С. Охуновнинг варақалар тарқатаётганлигини аниқлашди ва унинг ёнидан "Ҳизбут таҳрир" диний оқимга мансуб диний адабиётлардан "Ислом низоми", "Иззат ва шараф", "Ал-вой" номли китобчалар ва "Ваҳҳобий"ликка мансуб 23 дона варақалар олинди.

**УМИДАБОНУ,**
**Андижон вилояти.**

## Спорт

# ҚУВАЛИКЛАР ҒОЛИБ

Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси шаҳар ва туман бўлимларининг волейбол бўйича биринчилиги яқинда якун топди. Қўқондаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида финал ўйинлари бўлиб ўтди. Унда Қўқон шаҳар ва Қува туман ИИБ жамоалари куч синашдилар. Қизиқарли ўтган бу учрашувда қувалик милиция ходимлари жамоасининг қўли баланд келди. Улар 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Ғолиб жамоаларга ва яхши натижалар кўрсатган ўйинчиларга қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар топширилди. Қува туман ИИБ волейбол жамоасидан милиция сержантлари Н. Исмоилов, Д. Турсунов, О. Ҳамрокулов, Ғ. Собировлар, Қўқон шаҳар ИИБдан милиция катта лейтенанти М. Раҳимов, милиция сержанти Ш. Бўтаев ва Қўқон ЁСБдан ички хизмат сержантлари М. Сиддиқов, Д. Ғофуровлар ана шундай ўйинчилар сирасидан деб топилди.

Бу қизиқарли ҳамда жисмоний фойдали спорт турига негадир вилоятдаги айрим туман ИИБларда кам эътибор беriляпти. Афсуски, бу мусобақаларда Ёзёвон, Данғара, Риштон, Ўзбекистон, Қирғули туманлари ИИБ, Фарғона шаҳар ИИБ ва вилоят ДАНБ вакиллари қатнашишмади.

**М. КИМСАНБОЕВ.**

## Ҳаёт сўқмоқларида

# ЁЗИЛМАГАН ҚОНУН...

... Бепаён уфқларга туташиб кетган ададсиз яйловда отлар уюри ўтлаб юрибди. Атроф чексиз-чегарасиз бўшлиқ бўлишига қарамай улар бир жойга ғуж бўлиб олишган гўё. Бирорта байтал ўз ҳолича уюрдан сал нарига кета олмайди: сезгир ва шафқатсиз уюр бошчиси Бўрон унга шохкосадек кўзларини олайтириб бир қараб қўйса – астагина бош эгиб, яна "опа-сингиллари" қаторига қўшилади.

Уюрнинг ўз қонун-қоидаси бор. Уни олий мавжудот аталмиш инсон эмас, инсоннинг яқин дўсти, кўмакчиси бўлмиш отларнинг ўзи "жорий қилганлар". Бу уюрга бегона байтал қўшилгудек бўлса шундоқ ҳам ҳаммалари учун битта, золим, лекин ўта келишган мағрур ва ўз қадрини билувчи Бўронга ҳурмат ва қўрқув билан қаровчи Байталойлар хўжаларининг кўзини шамғалат қилиб, уни ўз давраларига йўлатмайдилар. Зотдорликда ном таратган Бўрон ҳам унча-мунча "хоним"га назар солмайди, лекин ўз қарамоғидаги "хонимча"ларини кўздан қочирмайдигина эмас, бирорта бебош йилқини бу томонга қадам ранжида қилдирмайди. Уни писанд қилмай сулувларга кўз олайтирган айғирнинг ҳолига вой: Бўрон бундай шилқимликка чидамайди, бу бебошни шу заҳоти таъзирини бериб, иккинчи бу томонларга қадам қўймайдиган қилиб қўяди.

...Ҳақиқий такатуркман зотидан бўлган Бўронга тойлигидан харидор келавериб хўжалик раҳбарларини чарчатган. Бўроннинг баҳоси йўқ: ундан туғилган қулунларнинг ҳар биттасининг нархига фалонта машина сотиб олиш мумкин. Бўронни ўғриламоқчи, ҳатто ўлдирмоқчи бўлдилар. Лекин уддалай олмадилар: у ўзини-ўзи ҳимоя қила олди. Шундан кейин Бўрон пайғамбаримизнинг отлари – Дулдулнинг наслидан, унга ўқ ўтмайди, ёмонлик таъсир қилмайди, у – афсонавий от, деган миш-мишлар пайдо бўлиб, ишқибозлари фақат Бўроннинг зурёдини сотиб олиш билан қаноатлана бошлади. Шу билан бирга Бўроннинг бошқа мамлакатларда ҳам довруғи ёйилиб, асил зотли байтал эгалари Бўрондан насл олиш умидида отларини етаклаб келавердилар. Мағрур ва кучли Бўрон чоҳ-гоҳ кўнглига ёққан "нозанин"ларга ҳиммат кўрсатар, у ўзи мойил бўлмаса, уни мойилликка мажбурлаб бўлмасди. Ўз қадрини билувчи Бўрон ана шундай қайсар ва нозик таъб эди.

Бир гал қизиқ, лекин ибратли воқеа юз берди.

Қўшни республикадан ўта сулув, келишган, ҳар қандай одамни маҳлиё қилиб қўядиган ажойиб байтални олиб келдилар. Мақсад: Сулув ва Бўрондан зўр бир насл олиш. Унча-мунчага қиё боқмайдиган Бўрон Сулувга узоқданоқ кўз тикди. Унинг кўзлари олайиб, қулоқлари тиккайди. Бурун катаклари керилиб, пишқирди. Сўнгра кенг яйловни янгратиб, кишнаб юборди. Ва ўз ихтиёри билан, ҳаммани ҳайратда қолдириб, қарамоғидаги "дугоналари"ни рашкда ўртаб, Сулув томон илдам йўл олди. Унга яқин келиб, ғалати меҳр билан ҳидлаб, ҳатто манглайи, пешоналарини ялай бошлади. Сулув унинг олдида айбдордек, бошини қуйи солиб турарди.

Ҳамманинг нафаси ичида: чамаси гўзал Сулув Бўроннинг юрагидан урдиёв, деган хаёлда эди. Лекин...

Бўрон ва Сулув бир-бирини ялаб-юлқашди, ёнма-ён ўтлаб, суйкалиб юришди. Ундан нарига ўтишмади...

– Нега, нега? – дерди Сулувни олиб келган одам. – Ахир мен не умидлар билан, қанча пул сарфлаб келдим. Нега Бўрон чопмаяпти?

Узоқ сўраб-суриштиришлардан кейин бу сирнинг сабаби маълум бўлди: Сулув – Бўроннинг пушт камаридан бўлган зурриёди, яъни қизи экан. Онгсиз ҳайвон ҳисобланувчи отлар ўз фарзандлари билан яқинлик қилмайдилар. Буни инсон ёзиб, қонунлаштирмаган. Буни онгсиз отларнинг ўзи, ўз ақли, фаросати билан англаган ва жорий этган...

***

Туғруқхона. Аёллар кўз ёрадиган кенг ва ёруғ, оппоқ-озода, дори ҳиди анқиб турган, хонада шифтдаги чироққа қўшимча равишда каттакон доирасимон "қопқоқ"нинг остидаги ўнга яқин "кўз"лардан таралаётган ёрқин нур ваҳимали кресло-ю, турли-туман тиббий асбобларда жилва қилади. Хонани дори ва қон ҳиди тутган. Неча соатдан буён тўлғоқ азобини торта-торта инграшга ҳам ҳоли келмай қолган, ранги докадек оқариб, кўзларини мажолсиз очиб-ёпаётган, нозиккина, аммо ҳомила боис шишинқираган, вояга етмай она бўлаётган ёш, жудаям ёш жувонни кўзи ёриши керак. Лекин шифокор – дояларнинг уринишлари зое кетмоқда – жувон кўз ёра олмаётир.

– Операция қилмасак бўлмайди, – дея қўлидаги резина қўлқоп хаёлида йўқ кафтининг орқаси билан пешонасидаги терни артди туғруқхонанинг бош шифокори. – Ўлик боланинг ўзи тушишини кутиш бефойда. Операция хонасига олиб киринглар.

... Онаси оғир аҳволда олиб келган қиздан боланинг отаси кимлигини сўрашнинг фойдаси бўлмади. Тўхтовсиз дард тутаётган қиз бирорта саволга жавоб бермади. Унинг аҳволи ҳозир савол-жавоб пайти эмаслигини кўрсатиб турарди. Вояга етмаган қизнинг номусига ким тажовуз қилган, у кимдан ҳомиладор бўлганини аниқлаш кейинга қолдирилди. Воқеа туман ички ишлар бўлими ва прокуратурага хабар қилинди. Қиз туғруқ бўлимида олиб қолинди...

Операция йўли билан олти ойлик ўлик бола олиб ташланди. Орадан бир неча кун ўтгач, ўзига кела бошлаган К. М. билан суҳбат ўтказилди. Бир ўлимдан қолган, энди яширишнинг фойдаси йўқлигини, сир ошкор бўлганини тушуниб етган К. М. терговчига бор гапни тўкиб солди.

– Ўтган йили ёз ойлари эди. Мен 7-синфни битириб, таътилда эдим. Ота-онам ишга, далага кетишади. Мен уйда укаларимга қарайман, уй юмушларини қиламан. Ана шундай кунларнинг бирида, укаларим кўчада ўйнаб юрганда, бобом – дадамнинг отаси менга: ичкари уйдан нарса олиб чиқ, деб буюриб орқамдан кириб эшикни ёпиб олди ва ялинишларимга, йиғлашимга қарамай номусимга тегди. Бировга айтсанг – ўлдираман, деди. Шундан кейин мен бир неча кун касал бўлиб ётдим. Бу ҳақда ҳеч кимга айтмадим, қўрқдим, уялдим. Лекин бобом пайт пойлаб, менга ёпишишга уринаверди, "дадамга, аямга айтаман", – деб зўрға қутулардим.

1999 йилдан бошлаб эса сира тинчлик бермай қўйди. Бир неча марта зўрлади — шунда ҳомиладор бўлиб қолдим. Буни ўзим тушунмадим, бобом айтди "иккиқатсан", – деб, кейин ҳар хил дорилар олиб келиб, "ич" деб берди. Мен уларни ичдим...

...Вилоят суди ўзининг вояга етмаган набирасини номусига теккан, ҳомиладор қилиб, ҳомилани ўлдирган, 1934 йилда туғилган бобо – нафақадор М. А. устидан қўзғотилган жиноий ишни кўриб чиқди. Унга қандай жазо берилгани бизга номаълум. Лекин у инсоният олдида ўз жазосини олиб бўлди...

***

Шундай нарсалар борки, уни бир қолипга солиб ёки қонун билан кафолатлаб, мустаҳкамлаб бўлмайди. Бу – одамгарчилик, инсонийлик, маънавият ва маданият, оддий тил билан айтганда, ақл-идрок, фаросат тушунчасидир. Маънавияти паст, яъни фаросатсиз одамга минг ақл бер – фойдасиз, ўзида бўлмаса – қийин. М. А. ҳам худди ўша маънавияти пастлардан эди. Бу борада у оддий от – Бўрончалик ҳам бўлолмади...

**Ҳ. ОДИЛОВА.**

## ҚОРОНҒУДА ДУПУРЛАГАЧ ОТНИНГ ТУЁҒИ...

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тумани ИИБ ходимларига кўмаклашаётган "Маҳалла посбонлари" аъзолари туманнинг "Зарбулоқ" ширкатлар бирлашмаси ҳудудида тунда сигир етаклаб кетаётган кишини текширишганида унинг ушбу молни ўғирлаб кетаётгани маълум бўлди. Шунингдек, шу туман ИИБ участка вакили, милиция капитани Баҳром Мусулмонов ва маҳалла посбони Ғайрат Қаюмовлар томонидан кечаси соат 2ларда от миниб кетаётган шахс текшириб кўрилганида унинг 1978 йилда Жиззах туманида туғилган ҳеч қаерда ишламайдиган Зафар исмли шахс эканлиги ва Жиззах тумани Улуғбек ширкат хўжалигида яшовчи 2-гуруҳ ногирони Абдували Маматқуловга тегишли отни ўғирлаб кетаётгани аниқланди.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,**
**ИИВ матбуот маркази ходими.**

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



**Тахиатош шаҳар ИИБ томонидан Андрей Михайлович Ким қидирилмоқда,** 1939 йилда туғилган. 1997 йил 9 августда ўзи яшайдиган хонадонни очиқ ҳолда ташлаб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари**: бўйи 160–165 см, ўрта гавдали, сочлари оқарган, орқага таралади, бурни катта.

**Кийимлари**: эгнида қора костюм, шим, оқ кўйлак, оқ майка, оёғида қора туфли бўлган.

**Андрей Кимни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

Posta • Posta • Posta • Posta • Posta • Posta • Posta • Posta • Posta • Posta • Posta • Posta • Posta • Posta • Posta • Posta • Posta • Posta • Posta • Posta

## Жиноятчига жазо муқаррар

# ЎЗ ДЎСТИНИНГ ҚОТИЛИ

Куз ойлари эди. Дарахтларнинг барглари сарғайиб, хазонрез бўлган пайт. Мактаб-интернат ҳовлисида ўйнаб юрган болакайлар ичида фақат яқинда интернатга келган Фарҳодгина безовталаниб, кимнидир кутарди. У қоровулхона эшиги олдига бир неча бор бориб келди. Қобил амакиси кечадан буён ишга келмаётганлигидан ҳайрон эди.

Интернат қоровули Қобул ака камгап, ҳеч кимга қўшилмайдиган, кўнгли ўксик бу болакайнинг кўнглини топишга ҳаракат қилар, тез-тез олдига чақириб болаларча соддалик билан суҳбатлашарди. Дурадгорлик қўлидан келганлиги учун туғилган кунингда биргаликда ўйинчоқ кема ясаймиз, деб ваъда берганди. Бугун эса Фарҳоднинг туғилган куни.

– "Нима бўлди экан. Тоблари қочдимикан?"

Фарҳод шундай ўйлар билан дала ҳовли ёқалаб Қобил амакисининг уйи томон йўл олди. Кимсасиз йўл четида ётган бир одамга кўзи тушди. Аввалига эътибор бермай, четлаб ўтмоқчи бўлди. Аммо марҳум онасининг: "катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўл, ҳеч кимдан ёрдамингни аямагин, ўғлим", деган сўзлари ёдига тушиб, нотаниш кимсага ёрдам бермоқчи бўлиб, ёнига борди. Не кўз билан кўрсинки. Қобил амакиси қонга беланиб, ҳушсиз ётарди.

Воқеа жойига етиб келган тезкор гуруҳ аъзолари қотиллик рўй берган жойни кўздан кечирдилар. Бир пой эркаклар пойабзалидан бошқа далилий ашё йўқ эди. Суриштирув ишлари давом этарди. Ҳеч ким қотилни "мен кўрдим" демасди.

Кўп ўтмай Чиноз шаҳрига Олмалиқдан меҳмон бўлиб келган Эрмат исмли шахс қўлга олинди. Тергов жараёнида қотилнинг шериги – амакиваччаси Шермат ҳам ички ишлар бўлимига олиб келинди.

Ўша мудҳиш қотиллик рўй берган куни амакиваччалар тўйиб арoқ ичишди. Шерматнинг қизи бўйи етиб қолганлиги учун совчиларнинг кети узилмасди. Бироқ ота ичкиликдан бошини кўтармас, ёмғирдан чакка ўтавериб, лой сувоқлари кўчиб кетган уйларни таъмирлашни хаёлига ҳам келтирмасди. Хотинининг:

– Ўртоғингиз Қобил аканинг қўлидан ҳамма иш келади, илтимос қилсангиз арзонроққа уйларимизни таъмирлаб берарди, – дея хархаша қилишлари жонига текканидан ўртоғининг олдига бориб, илтимос қилди.

Қобил ака ёшликдаги дўсти эмасми, йўқ дея олмади. Хамир учидан патир, дея олдиндан узатган уч юз сўм пулини қайтариб берар экан, уч-тўрт кун ичида, албатта, бориб таъмирлаб беришини билдириб хайрлашди.

Шермат эса меҳмон бўлиб келган амакиваччаси билан маишат қилиб, яна бир бор огоҳлантириш мақсадида бирга дўстининг уйига келди. Бироқ ишда эканлигини билиб, мактаб-интернат томон йўл олди. Етиб келганида қоронғулик чўккан эди.

Қобил ака кутилмаган меҳмонларни қарши олар экан, ҳар иккисининг ҳам кайфи борлигини кўриб, уларга пешвоз чиқди.

Шермат гап орасида:

– Мени менсимай пулни олмадинг. Агар ҳурмат қилганингда уч-тўрт кунга чўзмай, дарҳол бориб таъмирлаб берардинг, – дея дўстини ҳақорат қила бошлади. Қобил ака харчанд инсофга чақирмоқчи бўлмасин ароққа тўйиб олган дўсти ваҳшийлашиб борарди. Амакиваччалар биргалашиб бир беозор, гуноҳсиз одамни дўппослаб, уриб ўлдириб, йўл четига ташлаб кетдилар.

Ичкилик оқибатида бир инсон ҳаётига зомин бўлган қотиллар қилмишларига яраша жазо олдилар. Шу билан воқеага хотима ясалгандек туюлади. Бироқ, ичкилик туфайли бундай мудҳиш жиноятлар кўз ўнгимизда содир этилаётгани кишини ташвишга солади, ҳам ўйлантиради. Ичкиликбозликка қарши ҳаммамиз биргалашиб курашсак, ҳаётимиз янада нурафшон бўларди.

**М. СУЛТОНОВА,**
**Тошкент вилояти ИИБ инспектори.**

## Бу шурфа олам

### БИРОҚ...

2000 йилни ўзига хос тарзда кутиб олишга нима етсин. Ахир бу кунга ким етди – ким етмади. Шу маънода Ер юзининг энг баланд "арча"си – 326,47 метр баландликка эга бўлган Вильнюс телеминораси... Янги йил арчасига айланди. Телеминора 1980 йилда ленинградлик ва литвалик қурувчилар томонидан яратилган. Янги йил арафасида бу улкан иншоотни ҳар бири 170 лампочкага эга бўлган 32 та гирлянд-чироқлар безади. Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олишга даъвогар бўлган бу ғаройиб "арча"да жами 5440 та "ёнар капалаклар" бўлиб, уларнинг ҳар бири 15 ватт қувватга эга. "Минг йиллик чироғи" деб номланган бу ғаройиботга 500 минг лит (125 минг доллар) сарфланган.

### "ЎПКА ЖИГАРНИ ТАБРИКЛАМАЙДИ"

— деди Эстония ҳукуматининг маслаҳатчиси Прийт Пилклик. Ва давлат ташкилотлари Янги йилда бир-бирини очиқ хат – открытка орқали муборакбод этишига ҳожат йўқлигини таъкидлади. Чунки бу усулда табриклаш учун давлатнинг ўн минг кронлаб маблағлари сарф бўлади. "Давлат организм каби яхлит. Ўпка жигарга, жигар қоратолоққа Янги йил табриги юбормайди", – деди маслаҳатчи. Бу таклиф байрам олдидан сал тежамкорроқ бўлишни таклиф қилган премьер-министр Март Лаарнинг фикрига ҳамоҳанг бўлди.

### ЯНГИ АСР БОШЛАНДИ...МИ?

– Йўқ, – дейди Вақт ва эталон частоталари бўйича идоралараро комиссиянинг бош мутахассиси Николай Насидзе. – Григорий тақвими бўйича йил ҳисоби янги эранинг 1-йилидан бошланган. Янги эранинг биринчи асри 1-100 йилни ўз ичига олиб, 100 йил ўтганда тугаган. Иккинчи аср 101-йилдан бошланган ва шу тарзда давом этаверган. Қабул қилинган тақвим бўйича ҳисобни давом эттирсак, 2000 йил 31 декабрда XX аср ва иккинчи минг йиллик тугайди XXI аср ва учинчи минг йиллик 2001 йил 1 январдан бошланади.

### ҚАДАМИ ҚУТЛИ КЕЛДИ



Янги йилнинг дастлабки дақиқаларида, тўғрироғи, соат 00 дан 2-3 дақиқа ўтганда дунёга келган 2000 йилнинг биринчи фуқароси – туркманистонлик қизалоқ Республика президентининг 5 минг АҚШ доллари миқдоридаги суюнчисига ва Раиса Горбачёванинг хотираси учун "Горрайсултон" исмига сазовор бўлди. 2000 йилнинг иккинчи фуқароси ҳам қизалоқ бўлиб, у Туркияда туғилди ва "Икки минг" маъносини билдирувчи исмга эга бўлди.

### ҚАРОҚЧИ "ҚАРИЯЛАР"



Янги йил арафасида Оренбург ўрмонларида чақирилмаган "меҳмон"лар пайдо бўлиб қолдилар. Соқол-мўйлови ўсган, елкасида болта, ароқ ҳиди гуркираб турган бу "меҳмон"лар Сол-Имцк туман милиция ходимларининг эътиборини тортди. Улар елкаларига энг чиройли арчаларни ортиб, "меҳмон"дан қайтаётган бу шахсларнинг кимлиги билан қизиқдилар. Улар: "...Шундай ...байрамга тайёрланяпмиз. Болаларни хурсанд қилмоқчимиз", – дея дудуқланиб қолдилар. Текширувдан маълум бўлдики, булар маҳаллий "мужик"лар бўлиб, қонунсиз равишда арча кесиб, сотмоқчи, пулига ароқ олишмоқчи экан. "Бобо"ларга қарши жиноят иши очилди.

### ЗАМОНАВИЙ АРЧА БЕЗАКЛАРИ

Германиядаги Д. Виккерт институти қизиқарли тадқиқот ўтказди. Натижада Янги йил арчаси учун энг замонавий безаклар аниқланди. Шундай қилиб, Германия аҳолиси Янги йил арчасини компьютер дискетлари билан, немислар эса ички томони албатта, ростакам юқори даражали қимматбаҳо металлдан юпқа қоплама қилинган шиша ўйинчоқлар билан безалган шиша безакни ёқтираркан.



— Янги йил арчасини рангли қоғоз, пахта ва пластмассадан ясалган анъанавий ўйинчоқлар билан безаш "урф"дан қолган, – дея маълум қилади немисларнинг "Фюр дих" журнали.

### ШАРМАНДА БЎЛГАН ЎҒРИ

Яқинда Новосибирскдаги Бийск шаҳри аҳолиси антиқа "томоша"нинг гувоҳи бўлдилар. Кўчада эгнида куртка, оёғида ботинка, бўйнига "Ўғри" дея ёзилган тахтача осилиб, қўллари орқасига боғланган эркак кўринган одамдан қўлларини ечиб қўйишни сўрар, улар эса шармандали ҳолатдаги бу одамдан юз ўгирардилар. Милиция нарядига дуч келиб қолмагунича шўри қуриган ўғри шу аҳволда шаҳар марказида юраверди. Уни бўлимга олиб келиб, ким бу тариқа жазолаганини аниқлаш учун қилинган ҳаракатлар зое кетди – гуноҳи бўйнида бўлган эркак сир сақлади. Охири унга шим топиб бердилар ва қўйиб юбордилар.

**Матбуот материаллари асосида Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА тайёрлади.**

## Кулгу бекати



### ДОВЮРАК БОБО

– Менинг бобом жуда ҳам довюрак бўлганлар. Ҳатто шернинг қафасига ҳам кирганлар.

– Қафасдан қайтиб чиққандан кейин ҳамма қойил қолган бўлса керак?

– Мен "бобом шернинг қафасидан қайтиб чиққан" деганим йўқ-ку?

### БОРИНГНИ САРФЛА...

– Азизим, мени яна 7-8 соатлик умрим қолибди, шифокор айтди. Юр, яхши ресторанга бориб, маза қилиб овқатланамиз, кейин зўр меҳмонхонадан жой оламиз.

– Ҳа-ҳа, борингни сарфлаб ол-а? Ахир эртанги кун сен учун барибир...

### ОДОБЛИ ЖАВОБ

– Доктор, тўғрисини айтинг, яна қанча умрим қолди?

– Айтишим қийин, лекин мен сизнинг ўрнингизда бўлсам узоқ қўшиқ айтадиган пластинка сотиб олмасдим.

### "БОШҚА ОДАМ"

Шифокор: – Сиз ўтган йили санаториямизда дам олганингизда: энди сира ичмайман, бошқа одам бўламан, дегандингиз-ку?

Бемор: – Бошқа одам бўлдим, лекин у ҳам ича бошлади-да.

### ОЧГАН БЎЛСАНГ – ҚУЙ...

Ғирт маст ҳолда уйга қайтган ота ўғлига: – Қани, тез кундалигингни олиб кел, текшираман, – деди ва диванга ёнбошлади.

Ўғил кундаликни олиб келди.

– Мана, дада, олиб келдим...

– Олиб келган бўлсанг — оч, – ғўлдиради уйқуга кета бошлаган ота.

– Очдим.

– Очган бўлсанг – қуй...

### ТЎҒРИ ЮРОЛМАЙМАН...

– Оғайни, темир йўл вокзалига қандай борсам бўлади? – сўради чайқалиб маст одам.

– Тўппа-тўғри кетаверинг.

– Э, йўқ, – йиқилишдан аранг ўзини тўхтатиб деди у. – Мен тўппа-тўғри юролмайман...

## Ҳайдовчилар учун

### "ОЧ БОЛАДАН ҚОЧ БОЛА" –

деган гап бекорга айтилмаган. Чунки қорни оч одам ўта асабий, бир ишга ўйламасдан қўл уришга мойил бўлади. Шунинг учун, айниқса, ҳайдовчилар машинада йўлга чиқишдан олдин яхшилаб қорнини тўйғазиб олгани маъқул. Ана шунда унинг фикри-зикри қаерда, нима еб қорин тўйғизиш бўлмайди ва машина бошқаришдан чалғимайди.

Ҳайдовчилар учун, шунингдек, машина бошқараётганда чекиш ҳам тавсия этилмайди. Чунки бу ҳайдовчининг айниқса кескин ҳолатлардаги реакциясини сусайтиради ва йўлдан хаёлини чалғитади. Йўлга чиқишдан олдин асабингиз ўта бузилган бўлса тинчлантирувчи дори ичишга шошилманг, аксинча, аввал асабларингизни тинчлантириб, кейин йўлга чиқинг.

Спорт

## ЖАҲОН КУБОГИ – ЎСМИРЛАРИМИЗДА



Болалар ва ўсмирлар ўртасида жисмоний тарбия ҳаракати тобора оммавийлаштирилаётгани спорт соҳасида катта ютуқларнинг қўлга киритилишига олиб келмоқда. Мамлакатимизда 2000 йил бежиз Соғлом авлод йили деб эълон қилингани йўқ. Бинобарин, жисмонан соғлом ва маънавий баркамол инсонгина ўз яқинлари, жамият, Ватанига наф келтириши маълум.

Шу ўринда Янги йил арафасида динамолик ёш спортчилар катта муваффақиятга эришишганини айтиб ўтиш зарур. Венгриянинг Мишкольц шаҳрида усмирлар ўртасида кураш бўйича ўтказилган жаҳон Кубоги беллашувида иштирок этган вакилларимиз – ўн бир ёшли Ригина Ниёзова ва Никита Таранухинлар ўз вазнлари гуруҳида биринчи ўринни эгаллашди. Уларни бундай нуфузли мусобақага тажрибали устозлар, каратэ бўйича тўртинчи дан соҳиблари А. Попов ва Т. Муҳамедовлар тайёрлашди. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур турнирда тўрт мингдан ортиқ спортчи иштирок этди.

Бугунги кунда каратэнинг болалар бўлимида талайгина турнирларда қатнашиб, шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилишга улгурган, келгусида мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қилишга қодир умидли ўғил-қизларимиз машқ қилишмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

**СУРАТДА: жаҳон Кубогининг ёш соҳиблари.**



— Анави киши "муҳаббатнинг кўзи кўр" деганда нимани назарда тутди экан-а?

**Муҳокама учун мавзу**



# “ОДАМЛАРГА ИШОНАРДИМ...”

## ЁКИ БИР «САЁҲАТ» ТАРИХИ

**Таҳририятга ийманибгина кириб келган бу жувоннинг рангпар юзларига, изтироб акс этиб турган кўзларига қарарканман қалбига тошдек чўкиб, ранж ва алам етказаётган дарди борлигига шубҳа қилмадим.**

**– Газеталарингизни мунтазам ўқиб бораман, – деди у ва кўзларини ердан олмай қўшиб қўйди: – Тўғри, бир муддат ўқий олмадим, имконим бўлмади. Лекин ўша кунларда ҳар турли мавзулардаги хилма-хил мақолалар билан мени доимо ўзига жалб этиб келган газета таҳририяти ходимларига учрашиб, соддалигим, ишонувчанлигимнинг оқибати сал бўлмаса фожиа билан тугаёзганини – кўрган-кечирганларимни сўзлаб бериш, шу билан бирга ҳуқуқ-тартибот ходимларига арзимни айтиб, мени, мен каби содда-баёвларни йўлдан оздириш, ўзга юртларга олиб бориб, қўшмачилик билан шуғулланувчи айрим диёнатсиз, иймонсиз аёллар борлигини, уларнинг йўлига ғов солинмаса, баъзи опа-сингилларимизни шармандаи шармисор қилиб, бадномлик ботқоғига ботириши, оиласи, жамиятдан мосуво қилиши тайинлигини таъкидлашни кўнглимга тугиб қўйгандим...**

**Ҳаяжон ва изтироб билан гапираётган Наргизанинг (исмлар ўзгартирилган) дил дардини сиз азизларга аслича ҳавола қилмоқдамиз. Токи баъзи сингилжонларимиз баъзан “холис хизмат”лар ортида нималар бўлиши мумкинлигини билиб олсалар ёмон бўлмайди.**

– Оилалиман, фарзандларим бор, – чуқур сўлиш олиб бошдан кечирганларини тўкиб сола бошлади Наргиза. – Тинчгина ишлаб юрган кунларимнинг бирида яхши ният билан бир ишни режалаштирдим. Лекин режамни амалга ошириш учун маблағ керак, маблағ эса ҳомий топиш орқали қўлга киритилади. Мен бу режамни уйимизда анчадан бери ижарада яшовчи Рухсорага айтдим...

– Рухсора ким?

– Рухсора асли самарқандлик бўлиб, олий ўқув юртларидан бирида ўқувчи поччамнинг синглисига курсдош ва яқин дугона эди. Уйимиз кенг, бемалол бўлгани боис опамнинг қайнсинглиси ҳам бизникида яшаб, ўқиган, у билан доимо бирга юрувчи Рухсоранинг отаси йўқлигини (“отам бир ёшлигимда ўлиб кетган экан”, дерди у), камбағалроқ бўлса ҳам оёқ-қўли чаққон, эпчилгиналигини кўриб, поччам “Синглим Шарифа билан тураверсин”, деганлари учун олиб қолгандик. Шарифа ва Рухсора институтни битирдилар. Шарифа Андижонга кетди. Рухсора эса “менга иш топиб беринглар, Тошкентда қоламан”, деб ялинавергач, иш топиб бердик. Лекин кўп ишлай олмади – хизмат сафари кўп экан, деб ишдан бўшаб, Самарқандга кетдим, деганича, бир йил дом-дараксиз кетди. Бир йилдан кейин келиб: “Хориж фирмаларидан бирига ишга киргандим. Сейфдан олти минг доллар ўғирлагансан, дея қамаб қўйишди. Мана, бир йил деганда оқланиб чиқдим”, деди. (Кейин, бошимга мана шу савдолар тушгач, суриштирсак, ҳақиқатан 6 минг доллар ўғирлаб, 9 йилга қамалган, амнистияга тушиб, қолган муддати шартли жазога айлантирилган экан).

Хуллас, Рухсора ҳомий кераклигини эшитди-ю: “Самарқандда чет эл қўшма корхонасида бошлиқ бўлиб ишлайдиган танишим бор, ўша билан гаплашиб бераман” деди. Икки-уч ҳафта ўтгач: “Гаплашдим, спонсорликка рози”, – деди, рози бўлдим. У ҳомийлик ҳақидаги аризамни, паспортим билан олиб кетди.

Ва шу кетганича уч ой дом-дараксиз кетди. Қаердан қидириб топишимни билмайман. Паспортсиз жуда қийин экан, ҳатто болаларимнинг пулини ололмайман. Ўз ёғимга ўзим қоврилиб юрган кунларимда Рухсора қўнғироқ қилиб қолди. Мен унинг қилмишидан хафалигимни, паспортимни тез қайтиб беришини, менга ҳеч қанақа ҳомий керакмаслигини айтдим. У “танишим чет элга кетган экан, мана, энди келди. Гаплашдим, сизни шунча кутдиргани эвазига Араб Амирликларига юбораётган ўн бир кунлик туристик гуруҳи рўйхатига сизни ҳам киритиб қўйибди. Бир ҳафта ичида Амирликларга кетамиз, текинга бориб, ўйнаб келасиз, тез келинг”, – деди. Уйда ҳаммамиз ҳайронмиз. Маслаҳат билан турмуш ўртоғим:

– Майли, онаси, текин саёҳат экан, бир айланиб, дам олиб кела қолинг, – дедилар ва амал-тақал қилиб 200 доллар топдик.

Самарқандга бордим. Рухсора кутиб олиб, “фирма бошлиғи” деб бир аёлнинг уйига олиб борди. Аёл сира бошлиққа ўхшамас, ҳамма қатори бир аёл экан. Ёнида мен тенги яна бир жувон. Кўнглим ғаш бўлиб:

– Танимаган-билмаган жойга нима деб, кимнинг олдига бораман? Қўйинглар, менинг паспортимни қайтиб беринглар, мен уйимга қайтаман, – дедим. Лекин Рухсора:

– Вой, нега ундай дейсиз? Текин саёҳат бўлади-ю, биз қоламизми? Мана, мен, Залила (анави жувон) ҳам сиз билан бирга борамиз. Дубайда менинг тоғамнинг Нафиса исмли қизи яшайди, ўша ёқда, бир арабга келин бўлган. Уччаламиз ўшанинг уйида турамиз. Аэропортда ҳамма сайёҳ аёллар йиғилишади, дегач хотиржам бўлдим.

...Дубай шаҳрига келдик. Бизни кутиб олиб, меҳмонхонага жойлаштиришди. Лекин Залила ва Рухсора биз билан бормади, мен уларни самолётда ҳам, меҳмонхонада ҳам кўрмадим. Меҳмонхонада рус жувонлар яшаркан. Улардан ғалати-ғалати гапларни эшитдиму, гуруҳ раҳбарига бориб:

– Паспортимни беринг, мен кетаман, – дедим.

– Қаёққа кетасан? – кулди у. – Жуда хоҳласанг – уч минг долларни тўла-да, кетавер.

– Қанақа уч минг доллар? Сизлар менга 50 доллар бердиларинг. Ўзимда икки юз доллар бор. Ўшани олиб, паспортимни беринг...

Маълум бўлишича, Рухсора ва унинг таниши – эллик ёшлардаги Собира опа мени...

Дод-фарёд қилдим, уришдим, бақирдим, ҳатто ўз жонимга қасд қилмоқчи бўлдим. Охири, пайтини топиб, қочдим ва аэропортга бордим. Қўлимда кичкина сумкачам, хизмат гувоҳномамдан бошқа нарсам йўқ. Мақсадим: элчихонага бориб, ёрдам сўраш. Қирқ даражали иссиқ, тўхтовсиз асабийлашув, ҳаяжонлар ...

Марям исмли аёл менга раҳм қилиб, уйига олиб келди.

Мени ўн беш кун давомлаган Марям опанинг уйига бир эркак ва аёл қидириб, топиб келишди. Узоқ тортишувдан кейин улар мени юртимга қайтишим учун самолётга чипта олиб берадиган ва мени кузатиб қўядиган бўлишди.

Аэропортга келдик. Улар менинг бор тақинчоқларимни олиб қўйишди – шу балолардан қутулсам бўлди, деб ўзим қулоғим ва бармоқларимдан ечиб бердим. Улар қўлимга чиптани бериб, рўйхатдан ўтишга ундашди. Мен рўйхатдан ўтиб, қарасамки, кийим-бошларим, хизмат гувоҳномам йўқ – олиб, кетиб қолишибди.

Хуллас, Шаржадан Алматига учиб келдим. Алмати аэропортида Света исмли қиз билан танишиб қолдим. У пул берди ва автобусда борган саёҳатчиларга қўшиб, мени Тошкентга қайтарди...

Наргизанинг кўз ёшлари ҳўл қилган сўлғин юзларига қараб, нима деб далда беришни билмас, олий маълумотли, оилали, икки боланинг онаси бўлмиш бу сулув аёлни қандай юпатиб, таскин беришга сўз тополмасдим.

– Мен ўта ишонувчанлигимдан, ҳаётимда ҳеч қачон бировга ёмонлик қилмаганимдан, бошқалар ҳам ўзимга ўхшаб тўғрисўз, кўнгли тоза деб билганимдан Рухсорага ўхшаганларга алдандим, – деди у кўнглимдан ўтганини сезаётгандай. – Қувлик, муғомбирлик, алдов нима – билмасдим. Одамларга ишонардим...

**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.**



**Таҳририятдан:**

**Мақолани ёзишдан мақсад, жамиятимизда ҳалол-пок инсонлар қатори Рухсора сингари туз ичган дастурхонига тупурадиганлар ҳам борлигини, ўзини меҳрибон, жонкуяр, ҳамдард кўрсатувчиларнинг ҳаммаси ҳам самимий дўст бўлавермаслигини кўрсатишдир. Айниқса, чет элга чиқишнинг ўзига хос қонун-қоидаси, тартиби бўла туриб Наргиза ва самолётда унга ҳамроҳ бўлган аёллар қандай қилиб бу қоидаларни четлаб ўтдилар? Афсуски, Наргиза ва унинг ҳамроҳлари билан “ҳомий опалари”дан бошқа ҳеч ким қизиқмаган, саёҳатга чиқишдан мақсадларини сўраб-суриштирмаган: улар автобусда Чимкентга борганлар, у ердан Алматига, кейин Амирликларга учиб кетганлар...**

**Ўйлаймизки, бу ғаройиб “саёҳат”нинг ташкилотчилари ва “ҳомийлари” билан мутасаддилар қизиқадилар.**

